

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

МЕН ҲАМ НАМОЗ ЎҚИЙМАН

*Олти диний калима
Аллоҳ таолонинг сифатлари
Таҳорат, гул, таяммум
Намоз ўқиши тартиби
Қирқ фарз
Масжид одоблари
Энг керакли дуолар*



Тошкент
2019

УЎК 28-534.35

КБК 86.38

М 43

Уибу китобда динимизнинг беш устунидан бири – намоз ўқишининг тартиб-қоидалари Имоми Аъзам Нўъмон ибн Сабит (раҳматуллоҳи алайх) асос солган ҳанафий мазҳаби бўйича содда, тушунарли баён қилинганд. Шунингдек, китобда имон ва ислом шартлари, Аллоҳнинг сифатлари, масжид одоблари, таҳорат, ғусл таяммум тартиблари, энг фазилатли дуолар ҳақида ҳам қисқа ва муҳим маълумотлар келтирилган.

Мен ҳам намоз ўқийман [Матн] / тузувчи М. Ш. Жуман. - Тошкент : Mavarounnahr, 2019. - 116 б.

Таҳрир хайъати:

Усмонхон Алимов (ижодий гурӯҳ раҳбари),

Шайх Абдулазиз Мансур (масъул муҳаррир),

Муҳаммад Шариф Жуман (тузувчи),

Ҳомиджон Ишматбеков,

Раҳимберди Раҳмонов,

Абдул Жалил Хўжам

Абдумурод Тилавов,

Жамшид Шодиев

Толибжон Низомов

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида-
ги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йил 13 мартағи
1311-сонли холосаси асосида нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-569-8

© Мовароуннаҳр, 2019

СҮЗБОШИ

Мўмин-мусулмонларга бир кунда беш маҳал намозни фарз қилган ва: «**Намозни баркамол ўқингиз...**» (*Бақара сураси, 43-, 110-оятлар*) дея амр этган Аллоҳ таолога Ўзининг улуғлиги ва қудратича, дунё яралганидан то қиёматгача имон келтирган барча бандалар томонидан ўқиладиган барча намозлар ракатлари ададидан ҳам ортиқ, ҳар бир руку, барча саждаларда айтиладиган тасбеҳлар миқдоридан ҳам каррот-каррот қўп ҳамду санолар бўлсин.

Муборак ҳадиси шарифларида намозга: «Жаннатнинг калити», «Диннинг устуни», «Мўминнинг меърожи», дея жуда чиройли таъриф берган, умматларини ушбу ибодатни баркамол адо этишга ҳамда: «**Менинг намоз ўқиганимни кўрганингиздек сизлар ҳам намоз ўқингиз**» (*Ином Бухорий ривояти*), деган суюкли Пайғамбаримиз, оламлар сарвари Мухаммад мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ҳадсиз, ҳисобсиз дуруду салавотлар бўлсин.

Ислом динининг бизгача бекаму кўст етиб келишида жуда катта ҳисса қўшган, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан эшитган ҳар бир сўзни, ҳадисни хотирасига жо айлаб, жуда катта масъулият ва ягона мақсад

– Аллоҳ ризоси учун кейинги авлодларга етказган саҳобаларга, тобеинларга, табаа тобеинларга, муҳаққик уламоларга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати бўлсин.

Намоз шундай ибодатки, ундаги лаззат, роҳат, фароғат, ҳузур-ҳаловат, хотиржамликни сўз билан таърифлаш жуда қийин. Таъбир жоиз бўлса, банда саждага бош қўйиб, ўзининг ожизлигию Буюк Яратувчининг қодири мутлақлигини эслаш билан туйиладиган маънавий лаззатни бошқа бирор ҳолатда туйиш мушкул.

Дарҳақиқат, саодат калити – намознинг фойдалари бисёр. Зотан, Аллоҳ таоло буюрган ҳар бир амал бандалар учун кони фойдадир. Уларда қўплаб ҳикматлар яширинганд. Аллоҳ амрларига амал қилган киши кўнглида ихлос иликки дунё саодатидан умидвор бўлса, рағбату мукофот олиши муқаррар.

Намоз – одамни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жихатдан чиниқтирадиган ибодат. Покланиш жараёни – таҳоратдан то намознинг ҳаракату қоидалари: такбир, қиём, руку, сажда, жалса ва таслим — буларнинг барчаси Аллоҳнинг бандаларига беназир инъоми, буюк тухфасидир. Шундай экан, бу амалларни сўзда эмас, балки чин ихлос билан амалда бажарсаккина, улкан фойдаларга эришамиз.

Намознинг маънавий фойдалари – савобини эса Аллоҳ таоло ниятимизга, ихлосимизга яраша кўпайтириб бераверади.

Мухтарам мўмин-мусулмонлар! Юртимизда тоат-ибодатлар Имоми Аъзам – Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит (раҳматуллоҳи алайх) асос солган ҳанафий мазҳабида адо этилади. Шу боис, ибодатларни ҳанафий мазҳаби қоидала-рига қатъий риоя қилган ҳолда адо этсангиз, турли фитналарнинг олдини олишга ҳисса қўшиб, улкан ажрларга эга бўлган бўласиз, иншоаллоҳ.

Ушбу китоб, иншоаллоҳ, Аллоҳ таоло амрига бўйсунган, Расули мухтарам Муҳаммад мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг кўрсатмаларига риоя қилишни ич-ичидан ис-таётган мўмин-мусулмонлар учун тоат-ибодатларни бекаму кўст адо этишларида жуда зарур кўлланмадир.

Ҳозир юртимизда эл-юрт манфаати, халқ фарвонлигини кўзлаб барча соҳаларда улкан ислоҳотлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари авж олган. Беш вақт намозлардан сўнг мамлакатимизда тинчлик-осойишталик барқарорлигини, хайрли ишлар бардавомлигини сўраб, Аллоҳ таолога дуо-илтижолар қилиш нур устига нур бўлади.

Усмонхон АЛИМОВ,
*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий*

ИСЛОМ ВА ИМОН ШАРТЛАРИ

Ислом дини тинчлик, поклик, ҳалоллик, меҳр-мурувват, инсонларни икки дунё саодатига етказувчи диндир. Бу дин инсонларни ягона илоҳ – Аллоҳ таолога, Унинг фариштларига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Унинг хоҳиши билан бўлишига, ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонишга чақиради. Ана шуларга қалбан ишонганлар мусулмон, имонли бўладилар.

Мусулмон кишига ҳар куни беш маҳал намоз ўқиши, Рамазон ойида рўза тутиши, закот бериши, яъни бойлиги нисобга (муайян миқдорга) етса йилда бир марта маълум миқдорини ҳақдорларга бериши, ҳаж қилиши, яъни моддий ва соғлиги жиҳатидан қурби етганда ҳамда йўллар бехатар бўлганида белгиланган ойларда Маккаи мукаррамага бориб умрида бир марта ҳаж амалларини адо этиш фарзdir.

ИМОННИ ИЗҲОР ҚИЛИШ КАЛИМАЛАРИ

Киши мусулмон бўлганини ушбу калималар билан изҳор қиласди:

**«Лаа илаҳа иллаллоҳ, Мұхаммадур расу-
луппоҳ».**

(«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, Мұхаммад Аллоҳнинг Пайғамбаридир»).

**«Аиҳаду ал лаа илаҳа иллаллоҳ ва аиҳа-
ду анна Мұхаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ».**

(«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Мұхам-
мад (алайҳиссалом) Аллоҳнинг бандаси ва
расули эканига иқрорман»).

АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ СИФАТЛАРИ

Аллоҳ таолонинг Зотий сифатлари ва Су-
бутий сифатлари бор.

Зотий сифатлари:

1. Вужуд (Бордир)
2. Қидам (Борлигининг аввали йўқдир)
3. Бақо (Борлигининг охири йўқ)
4. Ваҳдоният (Бирдир)
5. Мухолафатун лил-ҳаводис (ҳеч бир махлукотга ўхшамайди)
6. Қиём бинафсиҳи (Борлигида ҳеч нарсага муҳтоҷ эмасдир).

Субутий сифатлари:

1. Ҳаёт (доимо тирик)
2. Илм (барча нарсани билиш)
3. Самъ (ҳамма нарсани эшитиш)

4. Басар (кўриш)
5. Ирода (хоҳиш)
6. Кудрат (барча нарсага қодирлик)
7. Калом (сўзлаш)
8. Таквин (бутун махлуқотни яратиш).

ИККИ ИМОН КАЛИМАСИ

Имони мужмал – Мўминликнинг қисқа ифодаси

Аманту биллаҳи кама ҳува би асмаихи ва сифатиҳи ва қобилту жамийъа аҳкамиҳи ва арканиҳи.

Маъноси: Аллоҳга, Унинг исми ва сифатларига имон келтирдим ва У буюрган барча ҳукмларини ва фарзларини қабул қилдим.

Имони муфассал – Мўминликнинг муфассал ифодаси

Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи вал явмил ахирӣ вал қодари хойриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таъала вал баъси баъдал мавт.

Маъноси: Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, охират кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишига ва ўлимдан кейин қайта тирилишга ишондим.

ОЛТИ ДИНИЙ КАЛИМА

1. Калимаи тоййиба – Тўғри сўз

*Лаа илаҳа иллаллоҳ, Мұхаммадур росу-
луллоҳ.*

Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир!
Мұхаммад Аллоҳнинг расулидир.

2. Калимаи шаҳодат – Иқрорлик калимаси

*Ашҳаду ал лаа илаҳа иллаллоҳу ва ашҳа-
ду анна Мұхаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ.*

Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига
ва Мұхаммад (алайҳиссалом) Аллоҳнинг
бандаси ва расули эканига иқрорман.

**3. Калимаи тавҳид – Тавҳидга иқрорлик
калимаси**

*Ашҳаду ал лаа илаҳа иллаллоҳу вахдаҳу
лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул
ҳамд(у) юҳий ва юмийт(у) ва ҳува ҳайюл
лаа ямут(у), биядиҳил хойр(у) ва ҳува ъала
кулли шайъин қодир.*

Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига
икрорман! Аллоҳнинг шериги йўқдир. Мулк
Аллоҳницидир. Мақтов Аллоҳгадир. (Аллоҳ)
тирилтиради ва ўлдиради. Аммо Ўзи тирик-
дир, ўлмайди. Яхшилик Унинг ихтиёридадир
ва У ҳамма нарсага қодирдир!

4. Калимаи радди қуфр – Қуфрни қайтариш калимаси

Аллоҳумма инни аъзу бика мин ан уширика бика шайъан ва ана аъlam. Ва астагфирука лима ла аъlam. Иннака антал ъалламул гүйуб.

Маъноси: Ё Аллоҳ, Сендан ўзим билганим ҳолда Сенга бирор нарсани шерик қилишимдан асрashingни сўрайман. Сендан ўзим билганим ҳолда ширк қилиб қўйган бўлсан, кечиришингни тилайман. Албатта, Сен ғайларни билгувчи Зотсан.

5. Калимаи истиғфор – Гуноҳларни кечиришни сўраш калимаси

Астагфируллоҳ, астагфируллоҳ, астагфируллоҳ таъала мин қулли замбин азнатуху ъамдан ав хотоан сиррон ва ъаланияҳ. Ва атубу илаихи минаز замбиллазий аъламу ва миназ-замбиллазий ла аъlam. Иннака антал ъалламул гүйуб.

Маъноси: Ё Аллоҳ, гуноҳларимни кечиришингни сўрайман. Ё Аллоҳ гуноҳларимни кечиришингни сўрайман. Атайлаб ё адашиб, яширин ё ошкора қилган ҳамма гуноҳларимни кечиришингни сўрайман. Ўзим билган ва билмаган гуноҳларимдан Аллоҳга тавба қиласман (қайтаман). Албатта, Сен ғайларни билгувчи Зотсан.

6. Калимаи тамжид – Улуғлаш калимаси

*Субҳоналлоҳи вал ҳамду лиллаҳи ва ла
илаҳа illаллоҳу валлоҳу акбар. Лаа ҳавла ва
лаа қуввата илла биллаҳил ъалийил ъазим.
Ма шаа Аллоҳу каана ва маа лам яшаъ лам
якун.*

Маъноси: Аллоҳнинг айбу нуқсони йўқдир. Мақтovлар Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир! Аллоҳ улуғдир. Ҳаракат ва куч-қувват фақат қудратли ва буюк Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан бўлади. Аллоҳ нимани хоҳласа, бўлади, нимани хоҳламаса, бўлмайди.

ТАҲОРАТ

Таҳорат қилмасдан намоз ўқиш мумкин эмас. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласди: «**Эй имон келтирганлар! Намоз (ўқиш)-га тураг экансиз, албатта, юзларингизни, қўлларингизни тирсакларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортиңгиз ва оёқларингизни тўпикларигача (ювингиз)!» (Модида сураси, 6-оят).**

Жаноби Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз мусулмонларга бундай насиҳат қилганлар: «*Имконингиз қадар тозаликка риоя этингиз. Аллоҳ таоло тозаликни Ислом динига асос* (пойдевор) қилди. *Жаннатга фақат покизалар киради*» («Жамиус-сагир», 1-жайлд, 133-бет).

Мўмин намозни адо этишга киришишидан олдин баданини поклаши шарт. Бу таҳорат олиш, агар ғусл вожиб бўлса, ғусл қилиш ё маълум ўринларда таяммум қилиш билан бўлади. Кийими пок – қон, сийдик, тезак, йиринг каби нажосатлардан тоза бўлиши (дирҳам миқдоридан* кам теккан бўлса, макруҳ) лозим. Намоз ўқийдиган ўрни нажосатдан пок бўлиши зарур.

* Дирҳам миқдори – 3,1 гр.

ТАҲОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Сув билан (олд ва маъқад) тозаланиб бўлгандан сўнг, таҳоратга ният қилгач, кўнгилда «Бисмиллахир роҳманир роҳийм», дейилади.



2. Сўнг қўллар ошиқлари билан уч марта ювилади. Қўл бармоғида узук бўлса, уни қимиirlатиб, ўрнига сув етказилади.



3. Ўнг қўл кафтига сув тўлдириб, оғизга олинади ва оғиз ғарфара қилиб чайилади ва тишлар бармоқ ё мисвок билан ишқаланади. Сўнг яна шу тартибда оғиз икки марта чайилади.



4. Ўнг қўл кафтига сув тўлдирилиб бурунга тортилади, сўнгра чап қўл билан қоқилади. Шу амал яна икки марта бажарилади.



5. Ўнг қўл билан, кафтига сув тўлдирилиб, юз уч марта ювилади.



6. Ўнг қўл тирсаклари билан қўшиб, ишқалаб ювилади.



7. Сўнгра чап қўл тирсаклари билан қўшиб, ишқалаб ювилади.



8. Икки қўлни ҳўллаб ўрта, номсиз ва кафтлар билан бошнинг ҳамма қисмига масҳ тортилади.



9. Масҳ тортишда бошга тегмаган икки қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан икки қулоқнинг ичи, бош бармоқ билан эса қулоқлар орқаси масҳ қилинади.



10. Қўллар хўлланиб, икки кўлнинг уч кичик бармоғи орқаси бўйин томирига теккизиб олинади.



11. Ўнг оёқ тўпиғи билан қўшиб, чап қўлда ишқалаб уч марта ювилади. Биринчи ювишдан сўнг ўнг оёқ панжалари ораси тагидан, жимжилогидан бошлаб (чап қўл жимжилоги киритилиб) хилол қилинади.



12. Чап оёқ ҳам шу тарзда уч марта ювилади. Аммо унинг панжалари бошмоддоғидан бошлаб хилол қилинади.

Тирноқларга, терига (сув ўтказмайдиган) лак ёки бўёқлар сурилган бўлса, уларни кетказиб, сўнг таҳорат қилиш керак. Акс ҳолда таҳорат дуруст бўлмайди.



Таҳорат олаётганда гапирмаслик, эҳтиёждан ортиқ сув ишлатмаслик, уст-бошга иложи борича сув сачратмаслик керак.

ТАҲОРАТНИНГ ФАРЗЛАРИ

1. Юзни пешонанинг соchlар чиққан жойидан ияқ остигача ва икки қулоқ орасидаги қисмини ювиш.
2. Қўлларни тирсаклари билан бирга қўшиб ювиш.
3. Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш.
4. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювиш.

ТАҲОРАТНИНГ СУННАТЛАРИ

1. Мисвок ишлатиш. Оғизни ювганда мисвок ишлатиш суннатдир.
 2. Аввал қўлларни уч марта ювиш.
 3. Оғизни ва бурунни чайиш.
 4. Соқол орасини, қўл ҳамда оёқ бармоқлари орасини хилол қилиш.
 5. Аввал ўнг, кейин эса чап тараф аъзоларини ювиш.
 6. Юз, қўл ва оёқни уч мартадан ювиш.
- Таҳоратдан сўнг:

*“Аиҳаду алла илаҳа иллаллоҳу вахдаху
ла шарика лаҳ ва аиҳаду анна Мұхаммадан
ъабдуху ва росулуҳ”* деб айтиш.

Маъноси: “Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга ҳақли илоҳ йўқ. Мұхаммад (соллаллоҳу алайхи ва саллам) Унинг бандаси ва элчиси эканига иқрорман”.

“Аллохуммажъалний минат-таввабий-на важъалний минал мутатоҳҳирийн”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, мени тавба қилувчи ва покланувчи бандаларингдан қил”.

ТАҲОРАТНИ БУЗАДИГАН ҲОЛЛАР

1. Баданинг бирор жойидан қон ё йириңг чиқиб, чиқсан жойи атрофига ёйилиши;
2. Оғиз тўлиб қусиш;
3. Икки йўлдан ел ё бирор нарса чиқиши;
4. Милк қонагандা тупук ранги қизил бўлиши;
5. Ҳушдан кетиш;
6. Намоз ўқиётиб ёнидаги одам эшитадиган даражада кулиш;
7. Ётиб, ёнбошлиб ва ортни ерга теккизмай суюниб ухлаш.

ҒУСЛ

Эр-хотин қовушганда, эҳтилом бўлганда, яъни, уйқуда ё уйғоқликда маний шаҳват билан чиқсанда, аёллар ҳайз ва нифосдан тоза бўлганидан сўнг ғусл (бутун баданни сув билан ишқалаб ювиш) фарз бўлади.

Ҳар жума ва ҳайит намозлари учун ғусл қилиш суннатdir. Бу Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо бажарган амалларданdir.

Гуслнинг фарзлари:

1. Оғизни сув билан томоқقا етказиб, ғарғара қилиб чайиш;
2. Бурунни сув билан ачиштириб чайиш;
3. Бутун баданни ишқалаб ювиш.

Гусл қуидаги тартибда қилинади.

1. «Бисмиллахир роҳманир роҳийм» дей-илади ва гуслга ният қилинади.

2. Қўллар ошиқлари билан ювилади.

3. Икки йўл ювилади ва таҳорат олилади. Баданда маний бўлса, ювиб кетказилади. Аввал бошга, кейин ўнг ва чап елкага сув қўйиб, бутун бадан яхшилаб ювилади. Агар баданда иғнанинг учидай қуруқ жой қолса ҳам, гусл тугал бўлмайди.

ТАЯММУМ

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласи: «Бордию, бетоб ё сафарда бўлсангиз ёки сизлардан бирортангиз ҳожатхонадан чиққан бўлса ёхуд хотинларингиз билан яқинлик қилган бўлсангиз-у, (гусл қилишга) сув топа олмасангиз, покиза ер (тупроқ, тош, кум, чанг кабилар) билан таяммум қилиб, юзларингиз ва қўлларингизга суртинг. Албатта, Аллоҳ афв этувчи ва кечирувчиидир» (*Нисо сураси, 43-оят*).

Таяммум қилишда таҳоратга ёки ғуслга ният қилинади. Ҳар иккисини қўшиб ният қилиш ҳам мумкин.

Таяммум олиш тартиби қуйидагичадир:

1. Енгларни тирсакларигача шимариб, «Покланиб намоз ўқиш учун таяммум қилишга ният қилдим», деб кўнгилдан ўtkазилади.

2. «*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*», дейилади ва қўллар, бармоқлари ораси очиқ ҳолда, тупроқ ёки тупроқ жинсидан бўлган бирор нарсага бир марта урилади.

3. Кўлларнинг ичи (кафт) билан юзнинг ювиладиган қисми масҳ қилинади.

4. Кўлларни иккинчи бор тупроқ ёки тупроқ жинсидан бўлган нарсага уриб, чап кўлнинг кафти ва бармоқлари билан ўнг қўл тирсаги билан қўшиб, ўнг қўл кафти ва бармоқлари билан чап қўл тирсаги билан қўшиб масҳ қилинади.

Таяммумда тўртта фарз бор:

1. Ният;

2. Пок тупроқ ё унинг жинсидан бўлган нарсага таяммум қилиш;

3. Икки қўлни пок тупроққа ё бошқа нарсага уриб юзга суриш;

4. Қўлларни яна тупроққа уриб, тирсаклари билан қўшиб қўлларга суриш.

Таяммумни бузадиган ҳоллар:

1. Таҳоратга етарли сув топилиши;

2. Бадандаги яра ёки (бошқа) узр туфайли таяммум олган кишидан узрнинг кетиши;
3. Таҳоратни бузадиган барча ҳоллар таяммумни ҳам бузади.

АЁЛЛАРГА ХОС МАСАЛАЛАР

Балоғат ёшига етган қиз ва туғиши ёшидан ўтмаган аёллар бачадонидан ҳайз ва нифос келади:

I. Ҳайз

Ҳайзниң энг кам келиш муддати уч ке-ча-кундуз, энг узоқ келадиган муддати ўн-кеча кундуздир. У кунларда қон давомли келмай, ора-сира тўхташи ҳам мумкин. Бироқ оралиқдаги бу кунлар ҳам ҳайз кунлари ҳисобланади.

Аёлларга ҳайз кўрган кунларида: намоз ўқиш, рўза тутиш, Қуръон ўқиш (Қуръон муаллимаси толибага сўзма-сўз ҳижжалаб Қуръон ўргатиши мумкин), Қуръони каримни ушлаш, Каъбани тавоғ этиш, масжидга кириш, эри билан жуфтлашиш ҳаром бўлади.

Аёллар ҳайздан тоза бўлгач, ҳайз кўрган кунларидаги намозларнинг қазосини ўқимайдилар. Лекин Рамазон рўзасини тутмаган кунларининг қазосини тутиб беришлари лозим.

II. Нифос

Аёл түкқандан сўнг бачадонидан келадиган қон нифос дейилади. Нифоснинг энг узоқ келиш муддати қирқ кундир. Энг оз келиш муддати белгиланмаган.

Аёл ҳайз кўрганда унга ҳаром бўлган нарсалар нифос кўрганида ҳам ҳаром бўлади. Аёл нифос кунларидағи намозлар қазосини ўқимайди, Рамазон ойида рўза тутмаган кунларининг қазосини тутиб бериши лозим.

III. Истиҳоза

Хасталик туфайли аёлларда таносил йўлидаги ё бачадон томири ёрилиши сабабли келадиган қон “истиҳоза қони” дейилади. Ҳайз кўрганда ўн кундан ўтиб келган; уч кундан оз келган қон, нифосда қирқ кундан ўтиб келган қон ва ҳомиладордан келган қон истиҳоза бўлади. У ҳолатларда аёллар намоз ўқишини, рўза тутишни қолдирмасликлари керак.

НАМОЗ

Намоз динимизнинг иккинчи рукни ҳисобланади. Намоз – Аллоҳ таоло бизларга берган ҳадсиз-ҳисобсиз неъматларга шукронадир. Намоз солиҳ амалларнинг энг афзалидир. Солиҳ амал туфайли банда Аллоҳ таолога суюкли бўлади.

Турли баҳоналар билан намоз ўқимай юрган киши Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунмаган бўлади. Аллоҳ таоло амрига бўйсунмаслик катта мусибатдир.

Қуръони каримнинг кўплаб оятларида намоз ўқиш амр этилган:

«Намозни барқамол ўқингиз, закот берингиз ва руку қилувчилар (намозхонлар) билан бирга руку қилингиз (намоз ўқингиз)!» (Бақара сураси, 43-оят).

«Намозни барқамол ўқингиз ва закотни берингиз!» (Бақара сураси, 110-оят).

«Аллоҳ имонларингизни (Байтул Мақдисга қараб ўқиган олдинги намозларингиз ажрини) зое кеткизмас. Албагта, Аллоҳ одамларга нисбатан меҳрибон ва раҳмлидир» (Бақара сураси, 143-оят).

«(Эй Муҳаммад!) Имон келтирган бандаларимга айтинг, намозни барқамол адо этсинлар ҳамда савдо-сотиқ ва ошна-оғай-

нигарчилик бўлмайдиган кун (қиёмат) келмай туриб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошкора эҳсон қилсинлар!» (*Иброҳим сураси, 31-оят*).

«Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни баркамол адо этинг ва тонгги ўқиши (бомдод намозини) ҳам (адо этинг!) Зеро, тонгги ўқиши (фаришталар) ҳозир бўладиган (намоз) дир. Тунда (яrim кечада) уйғониб ўзингиз учун таҳажжудни (нафл намозини) ўқинг! Шоядки, Раббингиз Сизни (Қиёмат кунида) мақтovли (шафоат қиладиган) мақомда тирилтиурса» (*Исрo сураси, 78–79-оятлар*).

«Аҳлингизни намоз (ўқиши)га буюринг ва (ўзингиз ҳам) унга (намозга) бардошли бўлинг!» (*Тоҳо сураси, 132-оят*).

«Мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида ўзларини камтар тутувчиidlар. Улар намозларини асрагувчи (вақтида адо этувчи)дирлар» (*Муъминун сураси, 1–2, 9-оятлар*).

«(Эй Мухаммад!) Китоб (Қуръон)дан Сизга ваҳий қилинган нарсани тиловат қилинг ва намозни баркамол адо этинг! Албатта, намоз фахш ва ёмон ишлардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри (барча нарсадан) улуғдир. Аллоҳ қилаётган ишларингизни билур» (*Анкабут сураси, 45-оят*).

«Бас, (эй Мухаммад!) Улар (кофирлар) айта-

ётган сўзларга сабр қилинг ва Қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Раббингизга ҳамд билан тасбех айтинг (намоз ўқинг)! Яна кечанинг (бир қисмида) ва саждалар (намозлар) ортидан тасбех айтинг!» (*Қоф сураси, 39–40-оятлар*).

«(Эй Мұхаммад!) Сиз Раббингизнинг ҳукмига сабр қилинг! Зотан, Сиз Бизнинг кўз ўнгимизда (ҳимоямизда) дирсиз! (Тонгда уйқудан) турган пайтингизда, Раббингизга ҳамд билан тасбех айтинг! Шунингдек, тундан (маълум вақт ажратиб) ва юлдузлар юз ўғиргач (ботгач, саҳарда) ҳам Унга тасбех айтинг!» (*Тур сураси, 48–49-оятлар*).

«Дарҳақиқат, инсон бетоқат қилиб яратилгандир. Қачонки, унга ёмонлик (камбағаллик ёки мусибат) етса, у ўта бардошсизлик қилувчиdir. Қачонки, унга яхшилик (бойлик, саломатлик) етса, у ўта ман этувчи (бахил)дир. Фақат намозхонлар бундан мустасно бўлган ҳолларида намозларида мунтазам (давоматли), (топган) мол-мулқларидан (ажратилган) маълум ҳақ борки, у тиланчи ва маҳрум кишилар учундир» (*Маориж сураси, 19–25-оятлар*).

Намознинг фазилатлари ҳақидаги ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

* «Эй Мұхаммад, бир кеча-кундузда умматларингга беш вақт намозни фарз қилдим. Ўзим аҳд қилдимки, ким шу беш вақт намозни ўз вақтида адо этиб юрса, у кишини жаннатга киритаман. Ким ўз вақтида адо этиб юрмаса, у банда хусусида аҳдим йўқдир» (*Ҳадиси қудсий*).

* Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асхобларидан сўрадилар: «Бирор тангиз уйингизнинг олдидан оқиб ўтадиган дарёда (ёки сойда) ҳар куни беш маҳал ювинсангиз, баданимда кир қолибди, деб айтасизми?» Саҳобалар: «Сира ҳам кир қолмайди», дейишди. Расули акрам: «Беш вақт намоз ҳам шунга ўхшаш, Аллоҳ таоло намоз сабабли гуноҳларни кечиради».

* «Аср намозини узрсиз қазо қилиб қўйган одам бола-чақасию мол-дунёсидан ажраган киши кабидир».

* «Қоронғу кечаларда масжидга борган кишиларга, Қиёмат куни нурга эга бўлишлари хушхабарини етказинг».

* «Сизлардан бирларингиз намоз ўқиган жойда таҳоратини бузмасдан ўтирган муддатда, фаришталар уни: “Илоҳо, бу кишининг

гуноҳларини кечир ва унга раҳм айла”, деб дуо қилишади».

* «Кечаси туриб ибодат қилган ва хотинини уйғотган, хотини туришни хоҳламаса, юзига сув сепган одамга Аллоҳ раҳматини ёғдирсинг. Кечаси туриб намоз ўқиган ва эрини уйғотган, эри туришни хоҳламаса, юзига сув сепган хотинга Аллоҳ раҳматини ёғдирсинг».

* «Намоз жаннатнинг калитидир».

* «Намоз диннинг устунидир».

* «Намоз мўминнинг меърожидир».

АЗОН

Аллоҳу акбар!
Аллоҳу акбар!
Аллоҳу акбар!
Аллоҳу акбар!
Ашҳаду ал лаа илаха иллаллоҳ!
Ашҳаду ал лаа илаха иллаллоҳ!
Ашҳаду анна Мұхаммадар росулуллоҳ!
Ашҳаду анна Мұхаммадар росулуллоҳ!
Ҳайя ъалас-солаҳ!
Ҳайя ъалас-солаҳ!
Ҳайя ъалал фалаҳ!
Ҳайя ъалал фалаҳ!
Аллоҳу акбар!
Аллоҳу акбар!
Лаа илаҳа иллаллоҳ.
Маъноси: Аллоҳ улуғдир!
Аллоҳ улуғдир!
Аллоҳ улуғдир!
Аллоҳ улуғдир!
Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига иқрорман!
Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига иқрорман!
Мұхаммад Аллоҳнинг элчиси эканига иқрорман! Мұхаммад Аллоҳнинг элчиси эканига иқрорман!
Намозга шошилинг!
Намозга шошилинг!
Нажотга шошилинг!

Нажотга шошилинг!

Аллоҳ улуғдир! Аллоҳ улуғдир!

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!

Бомдод намозининг азонида **Ҳайя ъалал фалаҳ!** сўзларидан кейин икки марта «*As-солату хойрум минан-навм!*» («Намоз уйқудан афзалдир!») калималари айтилади.

АЗОН ДУОСИ

Аллоҳумма робба ҳазиҳи даъватит там-маҳ. Вас-солатил қоимаҳ, ати Мухаммада-нил васийлати вал фазийлаҳ. Вад-дарожса-тал ъалиятар рофиъа. Вабъас-ху мақомам маҳмуданиллазий ваъадтаҳ. Варзуқна ша-фа-ъатаху явмал қиямаҳ. Иннака ла тух-лифул миъад!

Маъноси: Ушбу комил даъватнинг ва вақти ҳозир бўлган намознинг Парвардигори, ё Аллоҳ! Мухаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га васила, фазилат, баланд ва олий дараҷа ато эт. Уни Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомда тирилтири. Бизга Қиёмат куни унинг шафоатини насиб эт. Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмайсан.

НАМОЗ ЎҚИШ ТАРТИБИ

Бир кунда беш маҳал (бомдод, пешин, аср,

шом ва хуфтон) намоз ўқиши ҳар бир мусулмонга фарздир.

БОМДОД НАМОЗИ

Бомдод намози тонг отгандан то қуёш чиққунича ўқилади. Бомдод намози икки ракат суннат, икки ракат фарз, жами тўрт ракатдир. Фарз амални (намозни) адо этган киши охиратда савобга эришади, уни адо этмаган киши азобланади. Суннат амалини адо этган киши улкан савобга эришади.

Бомдод намозининг икки ракат суннати бундай ўқилади:



*1-расм.
Ният.*



*2 -расм.
Ният.*

1. «Каъбанинг бир тарафига юзланиб шу вақт бомдод намозининг икки ракат суннатини холис Аллоҳ таоло учун ўқишни ният қилдим», деб кўнгилдан ўтказилади (*1–2-расмлар*).



3-расм.
Ифтитоҳ тақбири
(намозни бошлиш).



4-расм.
Ифтитоҳ тақбири
(намозни бошлиш).

2. «*Аллоҳу акбар*», деб эркаклар қўллар кафтини қиблага қаратиб, бош бармоқларининг учини қулоқларининг юмшоқ жойига теккизишида (3-расм), аёллар қўлларини елка баробарида кўтарадилар (4-расм).



5-расм.
Қиём.



6-расм.
Қиём.

3. Эркаклар қўлларини боғлаб, ўнг қўл кафтини чап қўл кафти устига қўйиб, ўнг қўлнинг бош ва кичик бармоқлари билан чап қўл билагини ушлаб киндик остида тутишади (*5-расм*). Аёллар ўнг қўлни чап қўл устида тутиб, қўлларини қўкракда тутишади (*6-расм*). Бу ҳол «қиём» дейилади. (Қиёмда (тик турган ҳолда) сажда қилинадиган жойга қараб турилади).

Қўллар боғлангач, ичда ўзи эшитадиган даражада сано ўқилади: *Субҳанакаллоҳумма ва бихамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла илаха гойруک*.

Маъноси: «Ё Аллоҳ! Сенга ҳамд айтиб барча айблардан поклигингни ёд этаман. Исминг

улуғдир. Улуғлигинг ҳамма улуғлардан улуғдир. Сендан ўзга илоҳ йўқдир».

Санодан сўнг ичида «*Аъузу биллаҳи минаш шайтонир роҳийм. Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*», дейилади ва Фотиҳа сураси ўқилади.

ФОТИҲА СУРАСИ

*Алҳамду лиллаҳи роббил ъаламийн.
Ар-роҳманир роҳийм. Малики явмиидийн.
Ийака наъбуду ва ийака настаъийн. Иҳдинас
сиротол мустақийм. Сиротоллазийна ан-
ъамта ъалайҳим. Гойрил мажзуби ъалайҳим
валаз-золлийн. (Фотиҳа сурасидан кейин овоз
чиқарилмасдан “Амийн” дейилиши керак.*

Маъноси: «Ҳамд оламларнинг Рабби – Аллоҳгаким, (У) Мехрибон, Раҳмли ва жазо (ва мукофот) кунининг (қиёмат кунининг) эгасидир. Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз. Бизни шундай тўғри йўлга йўллагинки, у Сен инъом этган зотларнинг йўли (ҳидоят йўли) бўлсин, ғазабга учраган ва адашганларнинг эмас!»

Фотиҳа сурасидан сўнг бир (зам) сура ўқилади. (Зам – қўшимча).

КАВСАР СУРАСИ

*Инна аътойнакал-кавсар. Фасолли лироб-
бика ванҳар. Инна шаани aka хувал абтар.*

Маъноси: «(Эй Мухаммад!) Албатта, Биз Сизга Кавсарни ато этдик. Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг! Албатта, ғанимингизнинг ўзи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир».

(Кавсар – жаннатдаги бир ажисб дарё ёки ҳовузнинг номи. Унинг суви асалдан тотли, қор ва сувдан оқ. Ундан ичган киши агадий чанқамайди.)



7-расм.
Руку.




8-расм.
Руку.

4. Зам суро тугагач, «*Аллоҳу акбар*», деб руку қилинади. Яъни эркаклар эгилиб тирсак-

лари ва тиззаларини буқмасдан, бармоқларини очган ҳолда, тиззаларини маҳкам чанглаб орқаларини текис қилиб турадилар (7-расм). Аёллар салгина эгиладилар. Тиззаларини бироз буқадилар. Бармоқларини жамлаб тиззалирини тутадилар (8-расм).

Рукуда уч марта «*Субҳана раббиял азийм*» (Улуғ Раббим барча нуқсонлардан покдир), дейилади.



9-расм.
Қавма.



10-расм.
Қавма.

5. Рукудан «*Самиъаллоҳу лиман ҳами-даҳ*» (Аллоҳ ҳамд айтганларнинг ҳамдини

эшитади), деб қад ростланади, бу ҳолат «қавма» дейилади.

Қавма ҳолида: «*Роббана лакал ҳамд*» (Эй Раббимиз, барча ҳамд Сенгадир), дейилади (9 –10-расмлар).



11-расм.
Сажда.



12-расм.
Сажда.

6. Сўнг саждага борища «*Аллоху акбар*» деган ҳолда қадни букмай, тиззалар ерга теккизилади ва қўллар, сўнг пешона ва бурун ерга теккизилади, сажда қилинади. Қўллар бармоғи жисплаштирилиб қулокқа яқин қўйилади. Сажда қилинаётганда оёқ панжалари ердан кўтарилимайди, қиблага қаратилади, эркаклар тирсакларини ерга, қоринларини сонига теккиzmайди. Саждада бурун юмшоқларига қаралади (11-расм). Аёллар тирсакларини ерга теккизади (12-расм). Саждада уч марта тасбеҳ: «*Субҳана роббиял аъла*» (Улуғ Раббим барча нуқсонлардан покдир), дейилади.



13-расм.
Жалса.



14-расм.
Жалса.

7. Уч марта тасбех айтилгац, «*Аллоху акбар*» деб саждадан бошни кўтариб чўкка: чап оёқни тўшаб ўнг оёқ панжасини қиблага қаратиб ўтирилади, бу ҳолат «жалса» дейилади (13–14-расмлар). Жалсада қўллар, бармоқлар учи тиззада бўлиб, жипслаштирилмай сонга қўйилади.



15-расм.
Жалса.



16-расм.
Жалса.

Эркаклар чап оёқлари устига ўтириб, ўнг оёқ панжаларини қиблага қаратади (*15-расм*). Аёллар оёқларини ўнг тарафдан чиқарип ўтирадилар (*16-расм*).



*17-расм.
Сажда.*



*18-расм.
Сажда.*

8. Бироз ўтирилгач, яна «*Аллоху акбар*», деб иккинчи марта сажда қилинади. Саждада уч марта: «*Субҳона роббиял аъла*», дейилади (*17–18-расмлар*).



*19-расм.
Киём.*



*20-расм.
Киём.*

9. Уч марта тасбех айтгач, иккинчи ракатга «*Аллоҳу акбар*», деб турилади (19–20-расмлар). Туришда аввал пешона, сўнг икки қўл ва охири икки тизза ердан кўтарилади.

10. Иккинчи ракатга турганда, ичида «*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*» айтилади ва Фотиҳа сураси ўқиласди. Фотиҳа сурасидан сўнг яна бир (зам) сура ўқиласди.



21-расм.
Руку.



22-расм.
Руку.

11. Сўнг: «*Аллоҳу акбар*», деб руку қилинади. Рукуда уч марта «*Субҳана роббиял азийм*», дейилади (21–22-расмлар).



23-расм.
Қавма.



24-расм.
Қавма.

12. Уч марта тасбех айтилгач, «**Самиъ-аллоху лиман ҳамидаҳ**», деб қад ростланади ва «**Роббана лакал ҳамд**», дейилади (23–24-расмлар).



25-расм.
Сажда.



26-расм.
Сажда.

13. Сўнг «**Аллоху акбар**», дея саждага

борилади. Саждада уч марта «*Субҳана роббиял аъла*», дейилади (25–26-расмлар).



27-расм.
Жалса.



28-расм.
Жалса.

14. Сўнг «*Аллоҳу акбар*», дея саждадан бош кўтарилади ва чўкка ўтирилади (27–28-расмлар).



29-расм.
Сажда.



30-расм.
Сажда.

15. Бироз ўтиргач, яна «*Аллоҳу акбар*», дея иккинчи саждага борилади. Саждада уч

марта: «*Субҳана роббиял аъла*», дейилади (29–30-расмлар).



31-расм.
Қаъда.



32-расм.
Қаъда.

16. Сўнг «*Аллоҳу акбар*», дея саждадан бош кўтарилиб (31–32-расмлар) чўкка ўтирилади. Бу ўтириш қаъда дейилади. Қаъдада кўкракка қараб ўтирилади. Бу қаъдада ташаҳҳуд, салавот ва дуо ўқилади:

ТАШАҲҲУД

Аттаҳиййату липлаҳи вас-солаваату ват-тойибат. Ассаламу ъалайка айюҳан-набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатух. Ассаламу ъалайна ва ъала ибадиллаҳис-солиҳийн. Аишҳаду ал лаа илаҳа иллаллоҳу ва аишҳаду анна Мухаммадан ъабдуху ва росулух.

Маъноси: (Мол, бадан, тил билан адо этиладиган) ҳамма ибодат Аллоҳгадир. Эй Набий! Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти Сизга бўлсин. Бизга ва солиҳ бандаларга Аллоҳнинг саломи бўлсин. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига иқрорман. Муҳаммад (алайҳиссалом) Аллоҳнинг қули ва элчиси эканига иқрорман.

САЛАВОТ

Аллоҳумма солли ъала Муҳаммадив ва ъала али Муҳаммад. Кама соллайта ъала Иброҳийма ва ъала али Иброҳийм. Иннака ҳамидум мажид.

Аллоҳумма барик ъала Муҳаммадив ва ъала али Муҳаммад. Кама барокта ъала Иброҳийма ва ъала али Иброҳийм. Иннака ҳамидум мажид.

Маъноси: Ё Аллоҳ, Иброҳим ва унинг оиласини раҳмат этганинг каби, Муҳаммад ва ул зотнинг оиласини ҳам раҳмат эт, Сен ҳамду мақтовга лойиқ улуф Зотсан.

Ё Аллоҳ, Иброҳим ва унинг оиласини муборак этганинг каби Муҳаммад ва ул зотнинг оиласини ҳам муборак эт. Сен ҳамду мақтовга лойиқ улуф Зотсан.

ДУО

*Роббана атина фид дуня ҳасанатав ва фил
ахироти ҳасанатав ва қина ъазабан нар.*

Маъноси: «Эй Рabbимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин».

18. Аввал ўнг елкага қараб: «*Ассаламу ъалайкум ва роҳматуллоҳ*» деб салом берилади (33–34-расмлар).



33-расм.
Салом (ўнг томонга).



34-расм.
Салом (ўнг томонга).

19. Сўнг чап елкага қараб: «*Ассаламу ъалайкум ва роҳматуллоҳ*» деб салом берилади (35–36-расмлар) ва шу билан бомдод намозининг икки ракат суннати тугайди.



35-расм.
Салом (чап томонга).



36-расм.
Салом (чап томонга).



37-расм.
Дуо.



38-расм.
Дуо.

Бомдод намозининг икки ракат фарзи ҳам ана шу тартибда ўқилади. Лекин эркаклар фарз намозни бошлишдан олдин (бошқа фарз намозлари олдидан ҳам) иқомат айтишади.

ИҚОМАТ

*Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар,
 Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар.
 Аиҳаду ал лаа илаҳа иллаллоҳ,
 Аиҳаду ал лаа илаҳа иллаллоҳ.
 Аиҳаду анна Мұхаммадар росулуллоҳ,
 Аиҳаду анна Мұхаммадар росулуллоҳ.
 Ҳайя ъалас-солаҳ, ҳайя ъалас-солаҳ,
 Ҳайя ъалал-фалаҳ, ҳайя ъалал-фалаҳ.
 Қод қоматис-солаҳ, қод қоматис-солаҳ.
 Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар,
 Лаа илаҳа иллаллоҳ.*

Иқомат азондан тезроқ айтилади. Иқомат айтилғандан сүнг Бомдод намозининг фарзиға ният қилинади: «Юзимни Каъбанинг бир тарафига қилиб шу вақт бомдод намозининг икки ракат фарзини холис Аллоҳ таоло учун ўқишини ният қилдим».

Ниятдан сүнг намозни бошлашга ифтитоҳ тақбири айтилади ва бомдод намозининг фарзи ҳам суннат намози адo қилингани каби адo этилади.

ПЕШИН НАМОЗИ

Пешин намози тўрт ракат суннат, тўрт ракат фарз ва икки ракат суннатдир. Пешин намозининг вақти қуёш оғганидан бошлаб ҳар бир нарсанинг сояси (қуёш тик келгандаги узунлигидан ташқари), икки баробар бўлгунгачадир.

Тўрт ракат суннат қўйидагича ўқилади:

Ният қилинади, ифтитоҳ такбири айтилади, сано ўқилади, сўнг “Аъзу” ва “Бисмиллах” айтилиб, Фотиҳа сураси ва яна бир сура ўқилади. Сўнг руку ва икки марта сажда қилинади ва иккинчи ракатга туриб, “Бисмиллах” айтилиб, Фотиҳа сураси ва яна бир сура ўқилади. Сўнг руку ва икки марта сажда қилинади, сўнг чўкка ўтириб Ташаҳҳуд ўқилади. Сўнг учинчи ракатга туриб, “Бисмиллах” айтиб, Фотиҳа сураси ва яна бир сура ўқилади, сўнг руку ва икки марта сажда қилинади ва тўртинчи ракатга турилади. Ва “Бисмиллах” айтилиб, Фотиҳа сураси ва яна бир сура ўқилади ва руку ҳамда икки марта сажда қилинади. Сўнг чўкка ўтириб ташаҳҳуд, салавот ва дуо ўқилади. Ва икки елкага қараб салом берилиб, намоз тугатилади.

Пешин намозининг фарзи ҳам айни шу тартибда ўқилади. Унга бундай ният қилинади: «Юзимни Каъбанинг бир тарафига қилиб шу вақт пешин намозининг фарзини холис Аллоҳ таоло учун ўқишини ният қилдим». Пешиннинг фарз намози учинчи ва тўртинчи ракатларида Фотиҳа сурасидан кейин бошқа сура ўқилмайди.

Пешин намозининг икки ракат суннати бомдод намозининг суннати каби ўқилади ва дуо қилинади.

АСР НАМОЗИ

Аср намози тўрт ракат фарздан иборат. Аср намозининг фарзи ҳам пешин намозининг фарзи каби ўқилади. Ниятда «...шу вақт аср намозининг фарзини...» дейилади.

ШОМ НАМОЗИ

Шом намози уч ракат фарз ва икки ракат суннатдир. Шомнинг уч ракат фарзи бундай ўқилади:

1. Ният. Ниятда «...шу вақт шом намозининг фарзини...» дейилади.
2. Ифтитоҳ такбiri.
3. Сано.
4. Фотиҳа, яна бир сура ўқилади, сўнг
5. Руку, икки марта сажда қилинади, сўнг туриб, Фотиҳа ва яна бир сура ўқилади ва руку, икки марта сажда қилинади ва чўкка ўтириб, ташаҳҳуд ўқилади ва туриб, фақат Фотиҳа ўқилади ва руку, икки марта сажда қилинади ва чўкка ўтириб ташаҳҳуд, салавот ва дуо ўқилади. Ва икки елкага қараб салом берилади ва дуо қилинади.

Шом намозининг икки ракат суннати бом-дод намозининг икки ракат суннати каби ўқи-лади.

ХУФТОН НАМОЗИ

Хуфтон намози тўрт ракат фарз, икки ракат суннатдир.

Хуфтон намозининг тўрт ракат фарзи пешин намозининг тўрт ракат фарзи каби ўқилиб, фақат ният фарқли бўлади. ...Шу вақт хуфтон намозининг фарзини... дейилади. Хуфтоннинг икки ракат суннати ҳам бомдод ва шом намозларининг икки ракат суннатлари каби ўқилади.

ВИТР НАМОЗИ

Витр намози уч ракат вожибdir. Витр во-жиб бирор сабаб билан вақтида ўқилмаса, қазоси ўқилади. Витр намози хуфтон намозидан кейин ўқилади.

Витр намози бу тартибда адо этилади:

1. Ният. Ниятда ... шу вақт витр вожиб намозини ... дейилади.
2. Ифтитоҳ тақбири.
3. Сано ўқилиб “Аъузу” ва “Бисмиллах” айтилгач
4. Фотиха ва яна бир сурा ўқилади.
5. Руку.
6. Ва икки марта сажда қилинади ва
7. Иккинчи ракатга туриб, “Бисмиллах” айтилиб, Фотиха ва яна бир сурা ўқилади.

8. Руку.
9. Ва икки марта сажда қилинади.
10. Сўнг чўкка ўтириб, ташаҳхуд ўқилади.
11. Учинчи ракатга туриб “Бисмиллаҳ” айтилиб, Фотиҳа ва яна бир сурा ўқилади ва
12. «*Аллоҳу акбар*», деб қўллар қулоқ тўғрисигача кўтарилади. Сўнг
13. Кўл яна қовуштирилиб, киндик остида тутилади ва Қунут дуоси ўқилади.

ҚУНУТ ДУОСИ

*Аллоҳумма инна настаъинука ва настаг-
фирук. Вануъмину бика ва натаваккалу ъа-
лайка ва нусний ъалайкал хойр. Нашкуру-
ка ва лаа накфурук. Ва нахлаъу ва натруқу
май-яфжурук. Аллоҳумма иййака наъбду
ва лака нусоллий ва насжуду ва илайка на-
съа ва наҳфиду наржу роҳматак(а). Ва нах-
ша ъазабака инна ъазабака бил қуффари
мулҳик.*

Маъноси: Ё Аллоҳ! Биз Сендан ёрдам сўраймиз, гуноҳларимизни афв этишингни тилаймиз. Сенга имон келтирамиз ва Сенга таваккул қиласиз. Ва Сенга ҳамд айтамиз. Бизларга берган неъматларингга шукр қиласиз ва ношукрлик қилмаймиз. Сенга итоат қилмайдиганлардан ажраламиз, улардан узоқлашамиз.

Ё Аллоҳ! Биз фақат Сенга қуллик қиласиз, Сен учун намоз ўқиймиз. Сенга сажда қиласиз. Сенинг розилигингга интиласиз ва талпинамиз. Раҳматингдан умид қиласиз, азобингдан қўрқамиз. Ҳеч шубҳа йўқки, Сенинг азобинг коғирларга бўлади.

14. Сўнг руку

15. Ва икки марта сажда қилинади ва чўкка ўтириб, ташаҳҳуд, салавот, дуо ўқилади ва икки елкага қараб салом берилади. Шу билан намоз тугайди ва дуо қилинади.

ЖУМА НАМОЗИ

Жума намози икки ракат фарздир. Ундан олдин ва кейин тўрт ракат суннат ўқилади. Жума фарзидан олдин ва кейинги суннатлар пешин намозининг тўрт ракат суннатлари каби ўқилади. Жуманинг икки ракат фарзи бомдод намозининг фарзи каби ўқилади.

Жума намозида фарздан олдинги тўрт ракат суннатдан кейин, икки ракат фарз ўқилмасдан олдин имом минбарда хутба қиласади.

ЖАНОЗА НАМОЗИ

Ният: «Юзимни Каъбанинг бир тарафига қилиб, шу имомга иқтидо қилиб Аллоҳ таоло учун жаноза намозини ўқишини ният қилдим».

Қўллар қовуштирилиб киндик остида тутилади, имом ният қилгач, унинг ортидагилар ҳам ифтитоҳ тақбирини айтади, сўнгра сано ўқийди: «*Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдик. Ва табарокасмук ва таъала жаддук ва лаа илаха гойруқ*».

Сўнг имом овоз чиқариб тақбир айтгач, яъни «*Аллоҳу акбар*» дегач, унинг ортидагилар ҳам ичларида ўзлари эшитадиган даражада тақбир айтади. Бу тақбирда қўллар кўтарилилмайди. Сўнг салавот ўқилади. Ва яна қўлни кўтармасдан «*Аллоҳу акбар*» деб тақбир айтилади ва жаноза дуоси ўқилади. Дуодан сўнг қўллар қовуштирилган ҳолда «*Аллоҳу акбар*» деб, ўнг ва чап томонларга салом берилади.

ЖАНОЗА ДУОСИ

Аллоҳуммагfir лиҳаййина ва майитина ва шаҳидина ва гоибина ва согирина ва кабирина ва закарина ва унсана. Аллоҳумма ман аҳяйтаху минна фaaҳийҳи ъалал Ислам. Ва ман таваффайтаху минна fatavaффаху ъалал ийман.

Маъноси: «Ё Аллоҳ! Бизларнинг тиригимизни, ўлигимизни, бу ерда бўлганларни ва бўлмаганларни, кичикларимизни ва катталаримизни, эркак ва аёлларимизни кечир. Ё

Аллоҳ, биздан туғилажак янги наслларни Ислом динида дунёга келтир. Ажали етиб ҳаётдан кўз юмадиганларнинг жонларини имонли ҳолларида олгин».

Жанозаси ўқилаётган маййит балоғатга етмаган ўғил бола бўлса, мана бу дуо ўқилади:

*Аллоҳуммажъалху лана фаротав-важъ-
алху лана ажров-ва зухров важъалху лана
шрафиъам-мушаффаъа.*

Маъноси: «Ё Аллоҳ! Бу болани жаннатда бизни қарши олувчи, мукофот ва захира қил. Бу болани биз учун шафоати мақбул шафоатчи қил».

Жаноза балоғатга етмаган қиз бола учун ўқилаётган бўлса, қўйидаги дуо ўқилади:

*Аллоҳуммажъалҳа лана фаротав-важъ-
алҳа лана ажров-ва зухров-важъалҳа лана
шрафиъатам-мушаффаъта.*

Маъноси: Ё Аллоҳ! Бу қиз болани жаннатда бизни қарши олувчи, мукофот ва захира қил. Бу қизни бизга шафоати мақбул шафоатчи қил.

Бу дуоларни билмаганлар «*Аллоҳуммаж-
фирлий ва лаху ва лил-муъминийна вал
муъминат*».

Яъни, Ё Аллоҳ, мени ва уни, эркак ва аёл барча мўминларни кечир», дея дуо қилсалар ёки «Роббана атина фид дуня...» дуосини ўқисалар ҳам бўлади.

Жаноза намозининг бошланишига улгурмаган киши жамоатга тезда қўшилиб, ифтитоҳ тақбирини айтади ва имомга иқтидо қиласди. Имом салом берганидан кейин, тобут кўтарилилмасдан олдин қолган тақбирларнинг ўзини айтади.

Тушган, ўлик туғилган болага жаноза ўқилмайди. Унга исм қўйилиб ювилади ва матога ўраб кўмилади. Тирик туғилиб ўлган болага ҳам исм қўйилиб, ювилиб, жанозаси ўқилади.

ҲАЙИТ НАМОЗИ

1. Ҳар бир намозни бошлашдан аввал ният қилингани каби ҳайит намозини бошлашдан олдин ҳам ният қилинади. «Юзимни Каъбанинг бир тарафига қаратиб, шу имомга иқтидо қилиб, шу вақт Рамазон (ёки Қурбон) ҳайити намозини Аллоҳ таоло учун ўқишни ният қилдим», дейилади.

2. Сўнг имом «*Аллоҳу акбар*», дея ифтитоҳ тақбирини айтгач, жамоат ҳам қўлларини кўтариб, ифтитоҳ тақбирини ичларида ўзлари эшитадиган даражада айтади.

3. Сўнг ҳамма ичида, ўзи эшитадиган даражада сано ўқийди. Сўнг имом кетма-кет қўлларини қулоқларига кўтариб, уч марта тақбир айтади. Имом ҳар бир тақбир айтганида жамоат ҳам унинг ортидан қўлларини кўтариб

такбир айтади. Бу такбирларнинг биринчи ва иккинчи такбиридан сўнг қўллар ён томонга туширилади. Учинчи такбирдан сўнг қўллар боғланиб, киндик остида тутилади.

4. Сўнг имом ичида «Аъузу»ни ва «Бисмиллаҳ»ни айтиб, овоз чиқариб Фотиҳа сурасини ва яна бир сурани ўқийди, руку ва икки марта сажда қилинади.

5. Руку ва саждадан сўнг иккинчи ракатга турилади. Имом Фотиҳа сураси ва бир сура ўқигач, рукуга бормай, худди биринчи ракатдаги каби уч марта такбир айтилади. Сўнг тўртинчи такбир айтилиб, рукуга борилади ва икки марта сажда қилинади. Сўнг чўкка ўтириб ташаҳхуд, салавот, дуо ўқилиб салом берилади ва намоз тугайди. Кейин имом минбарга чиқиб хутба қиласи, сўнг дуо қилинади.

НАМОЗНИ БУЗАДИГАН ҲОЛЛАР

- намоз пайтида гаплашиш;
- бирор нарса ейиш ёки ичиш;
- ўзи эшитадиган даражада кулиш (ёнидаги эшитадиган қилиб кулса, таҳорат ҳам бузилади);
- бировга салом бериш ёки саломга алик олиш;
- қибладан бошқа томонга бурилиш;
- дунёвий бирор ташвиш туфайли «уф»

тортиш, «оҳ-воҳ» дейиш ва йиғлаш, (гуноҳларига тавба қилиб, Аллоҳдан кечиришни сўраб йиғласа бўлади);

- атайлаб йўталиш;
- бир руқнда уч мартадан ортиқ ҳаракат қилиш (масалан, кийимни тўғрилаш, қашиниш ва ҳоказо);
- намозда ўқиладиган оятларни маъноси бузиладиган даражада хато ўқиш;
- намоз ўқилаётган пайтда таҳоратнинг синиши.
- сажда ҳолида иккала оёқ учи ҳам бирданига ер (жойнамоз)дан узилиши.



НАМОЗНИНГ ВОЖИЛЛАРИ

1. Қиёмда Фотиҳа сурасини ўқиши.
2. Фарз намозларининг аввалги икки ракати, витр ва нафл намозларининг ҳар ракатида Фотиҳадан кейин яна бир сура ўқиши.
3. Уч ва тўрт ракатли намозларда иккинчи ракатдан кейин ўтириш.
4. Имом бомдод, ҳайит, жума намозларида, шом, хуфтон намозларининг аввалги икки ракатида Фотиҳа ва зам сурани овоз чиқариб ўқиши. Пешин ва аср намозларини имом ҳам, якка ўзи ўқиётган намозхон ҳам овоз чиқармай ўқиши.
5. Витр намозида Кунут дуосини ўқиши.

НАМОЗНИНГ СУННАТЛАРИ

1. «*Аллоҳу акбар*» деб намоз бошлигандан кейин Сано ўқиши.
2. Санодан кейин ичида ўзи эшигадиган даражада «*Аъузубиллаҳ*» ва «*Бисмиллаҳ*»ни айтиш.
3. Фотиҳани ўқиганидан кейин ёнидаги-ларга эшигтирмай «Омин» дейиш.
4. Имом рукудан кейин «*Самиъаллоҳу ли-ман ҳамидаҳ*» деб турганида, ичда: «*Робба-на лакал ҳамд*» дейиш. Намозни ёлғиз ўқиганлар иккаласини ҳам айтиши.
5. Намозда бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўта-

ётганда (масалан, рукудан саждага) «*Аллоху акбар*» дейиш.

6. Рукуда қўл бармоқлари орасини очиб икки тиззани маҳкам чангалаш, камида уч марта «*Субҳана роббиял ъазийм*» дейиш. Аёллар бармоқларини тизза устида, жипс ҳолда тутишади, тиззаларини бир оз букишади.

7. Саждада қўлларни қулоққа яқин, қулоқдан бир нарса ташланса қўл панжаси устига тушадиган даражада қўйиш, қўл бармоқларини жипс тутиш.

8. Саждада эркаклар билакларини ерга ҳам, қобирғасига ҳам теккизмасдан тутиши ҳамда оёқларининг бармоқларини қиблага қаратиб туриши. Жамоат намозида ёнидаги кишига тирсагини теккизмаслик. Аёллар эса, қўлларини ёнларига жипс этган ҳолда ерга теккизб, саждада қиласилар.

9. Эркаклар ўтирганда чап оёғи устига ўтириб, ўнг оёғини тик тутиб, бармоқларини қиблага қаратиб ўтириши, аёлларининг эса икки оёқларини ўнг томондан чиқариб, чап куймичига ўтириши.

10. Эркаклар тик турганда икки оёқ орасини тўрт бармоқ кенглигига тутиши. Аёллар оёқларини жипс тутишади.

11. Ташаҳҳуд («Аттаҳиёт»), салавот, дуо ўқиши.

12. Аввал ўнг, кейин чап томонга салом бериш.

НАМОЗНИНГ МУСТАҲАЛАРИ

1. Кўча-кўйда ёки далаларда, умуман, очик жойларда намоз ўқимоқчи бўлса, олдидан бирор ҳайвон ёки инсон ўтмаслиги учун бир тўсиқ – сутра қўйиш.

2. Намоз бошлиётганда «*Аллоҳу акбар*» деб бош бармоқларини қулоқ юмшоғига, кафтини эса қиблага қаратиш. Аёллар эса, қўлларини кўқрак баробарида қўтариб, сийналари устига қўядилар.

3. Муаззин иқоматда «*Ҳайя ъалас-солаҳ*» дейиши билан ўрнидан туриш, «*Қод-қоматис-солаҳ*» деганида, «*Аллоҳу акбар*» деб намозни бошлиш.

4. Қиёмда сажда қиласидиган ерга, рукуда оёқ устларига, саждада бурнининг юмшоғига, қаъдада кўкраклари ўртасига, саломда эса елкасига қараш.

5. Саждага боришда тик тушиб, аввал тиззаларини, кейин қўлларини ерга қўйиш.

6. Намозда эсноқ келса, оғизни очмаслик. Агар бунга қучи етмаса, чап қўл кафти орқаси билан оғизни ёпиш.

САФАРДА НАМОЗ ЎҚИШ

Бизнинг динимиз осон ва енгил диндир.
Киши яшаб турган жойидан ўртача юришда

камида (90 чақирим) масофага боришни ният қилиб йўлга чиқса, қишлоғи ёки шаҳрининг охирги уйлари кўринмай қолган дақиқадан бошлаб мусоғир ҳисобланади. Ана шунча ма-софа йироқ жойдаги шаҳар ё қишлоққа етгач, у ерда ўн беш кун ё ундан кўп туришни ният қилса, унга бориш ва келиш йўлида мусоғир саналади, у ерга етиб боргач, муқим бўлади. Агар у жойда ўн беш кун туришни ният қилмаса, у ерда ҳам мусоғир ҳисобланади.

Мусоғир тўрт ракатли фарз намозларнинг икки ракатини ўқийди. Бироқ шом намозининг уч ракат фарзи ва уч ракатлик витр намозларини тўлиқ адо этади. Агар мусоғир муқимга иқтидо қилса, тўрт ракатлик фарзларни ҳам тўлиқ ўқийди. Муқим киши мусоғир кишига иқтидо қилиб намоз ўқиётган бўлса, мусоғир имом икки ракатдан сўнг салом бергач, эргашувчи салом бермай, ичида «*Аллоҳу акбар*» деб қиёмга туради, қолган икки ракатни қироат қилмай, ўзи ўқиб тугатади.

ИМОМГА ИҚТИДО ҚИЛИШ

Суюкли Пайғамбаримиз Мұҳаммад (алай-хиссалом) жамоат билан ўқилган намознинг савоби киши ёлғиз ўқиган намознинг савобидан йигирма етти марта ортиқ эканини айтганлар.

Беш вақт намознинг фақат фарзлари, жума намозининг икки ракат фарзи, ҳайит намозлари, Рамазон ойида таровеҳ ва витр намозлари имомга иқтидо қилиб ўқилади. Имомга эргашиб жамоат билан намоз ўқийдиган киши «муқтадий» дейилади.

Муқтадий:

1. Намозга ният қилганда “шу имомга иқтидо қилдим”, деб ҳам ният қилиши лозим. Масалан, «Юзимни Каъбанинг бир тарафига қаратиб, шу имомга иқтидо қилиб, шу вақт бомдод намозининг икки ракат фарзини Аллоҳ таоло учун ўқиши ният қилдим».

2. Имом ифтитоҳ тақбирини айтгач, муқтадий ундан кейин ифтитоҳ тақбирини айтиб, қўлларини боғлаб киндиги остида тутади ва ичида ўзи эшитадиган даражада фақат Сано (Субҳанака) ўқиди, Фотиха ва яна бир сурани ўқимайди. Овоз чиқариб ўқиладиган бомдод, шом, хуфтон намозларининг фарзида, жума намозининг фарзида, ҳайит намозларида, Рамазон ойида таровеҳ ва витр намозларида имом Фотиха сурасини тугатгач, муқтадий ичида «*Омин*» дейди.

3. Рукуда уч марта «*Субҳана роббиял ъазизий*», дейди. Имом «*Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ*», деб тик тургач, «*Роббана лакал ҳамд*», дейди. Саждада ҳам муқтадий уч марта «Субҳана роббиял аъла»ни айтади.

4. Чўкка ўтирганда муқтадий ичида «Ат-

тахийят», салавот, дуо ўқийди ва имом билан бирга салом беради.

Имомга иқтидо қилиб жамоат билан бирга намоз ўқиётган киши барча амалларни имомдан кейин бажаради, ундан олдин бажармайди.

Жамоатга кечикиб келиб қўшилган киши ифтилоҳ такбирини айтиб, имомга эргашади. Охириги ўтиришда «Аттаҳийят»ни ўқиб, имомнинг салом беришини кутади. Имом бир томонга салом бергач, у салом бермай *«Аллоҳу акбар»* деб туради ва қолган, имом билан ўқимаган ракатларни ўзи ўқиб намозни тугатади.

Имом руку қилаётганда, яъни имом рукудан бош кўтармасидан олдин ният қилиб, жамоатга қўшилган киши ўша ракатни ўқиган ҳисобланади.

Жамоат намозида биринчи ракатга етиша олмаган киши масбуқ дейилади. Бизнинг мазҳабимизда масбуқ етишган ракатларини имомга иқтидо қилиб ўқийди. Сўнг қолган ракатларини ўзи ўқийди (*Сарахсий “Мұхийт”*). Масбуқ етолмаган ракатларини ўқишга тургандаги ракати қироат хусусида намозининг биринчи ракати бўлади, ташаҳҳуд хусусида эса кейинги ракати ҳисобланади. Шунинг учун, имом бир ракат ўқиганидан кейин қўшилган бўлса, кейин бир ракатга замсурा қиласи, агар икки ракатдан кейин қўшилган бўлса икки ракатга зам суро қиласи.

Шом намозининг охирги ракатига етишган масбуқ ета олмаган икки ракатнинг орасини қаъдага ўтириш билан айиради, шу тариқа у шом намозида уч марта қаъдада ўтирган бўлади. Ушбу икки ракатда Фотиха ва зам сурга ўқийди. Бу ракатлардан бирида қироат қилмаса, намози бузилади.

Тўрт ракатли намозларнинг охирги ракатида жамоатга қўшилган масбуқ имомдан сўнг ўқиган биринчи ракатида Фотиха ва зам сурга ўқийди. Кейин ўтириб ташаҳҳуд ўқийди. Сўнг туради ва бу ракатда ҳам Фотихани ўқиб, битта сурани зам қилади. Кейин рукуга боради, сажда қилади ва ўтирмасдан тўртинчи ракатга туради. Бу ракатда фақат Фотиха сурасини ўқийди. Шундан кейин охирги қаъдага ўтириб, ташаҳҳуд, салавот ва бошқа дуоларни ўқийди. Сўнг салом бериб, намозни тугатади (“Хулоса”).

Масбуқ имомга қироати овоз чиқариб ўқиладиган ракатда етишса, саҳих қавлга кўра, санони (“Субҳанакаллоҳумма...”) ўқимайди (“Хулоса”). Бироқ бу ҳолатда, етолмаган ракатини ўқиш учун турганида санони ўқийди ва қироат учун “аъзуз...” ҳамда “Бисмиллаҳ...”-ни айтади (“Фатовоийи Қозихон”, “Хулоса”, “Захирия”).

Масбуқ имомга қироати ичидаган ракатга етишса, санони ўқийди. Имомга рукуда ва саждада етишган киши қарайди: агар санони ўқиб ҳам, имом билан руку ва саждага

қила олишига кўзи етса, санони қиёмда (тик туриб) ўқийди. Бунга кўзи етмаса, санони ўқимай, имомга эргашади. Масбуқ имомга руку ёки саждада етишмаса, бундай қилмайди.

Имомга қаъдада етишган киши санони ўқимайди, такбири таҳримани айтиб, тезда ўтиради (“Баҳрур роиқ”).

Масбуқ қўйидаги ҳолларда имом салом беришидан олдин намознинг қолган ракатларини ўқиш учун туриши мумкин: масҳ қилган бўлса-ю, масҳ муддати ўтиб кетишидан кўрқса; узр соҳиби бўлса ва вақтнинг чиқиб кетишидан хавотирланса; бомдод намозида куёш чиқиб қолишидан кўрқса; ҳадас етиб қолишидан, яъни таҳорати кетиб қолишидан кўрқса; агар имомнинг салом беришини кутган тақдирда, олдидан одамлар кесиб ўтишидан кўрқса (“Важизул Кардариј”).

Масбуқ, санаб ўтилган ҳолатлардан бири бўлмаганида, ташаҳҳуд миқдорича ўтиргач, имомнинг салом беришини кутмай туриб кетса, намози таҳримий макруҳ билан жоиз бўлади (“Фатҳул қадир”).

ҚАЗО НАМОЗЛАРИ

Мўмин-мусулмонлар намозларини доимо вақтида ўқиши лозим. Лекин бирор сабаб билан, масалан, ухлаб қолиб вақтини ўтказиб

юборган намознинг қазосини ўқиши керак. Фарз ва витр намозлар вақтида ўқилмаса, уларнинг қазосини ўқиш лозим.

Намозни вақтида ўқимаслик катта гуноҳдир. Шунинг учун қазо намози ўқилгач, Аллоҳ таолодан мағфират тилаш ва ҳар намозни ўз вақтида, қазо қилмай ўқишина насиб этишини сўраб дуо қилиш керак.

Намозларни иложи борича ўз вақтида адо этишга ғайрат қилиш керак. Инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно. Ана шу ҳолатлар сабаб намоз қазо бўлиб қолса, уларни адо этиш учун маълум бир вақт белгиланмаган. Аммо куннинг уч вақтида – кун чиқаётган, қуёш тиккага келган ва кун ботаётган вақтларда қазо намозларни ўқиб бўлмайди. Бу уч вақтдан бошқа исталган пайтда қазо намозларни ўқиш жоиз (“Баҳрур роиқ”).

Қазо намозлар бир кунлик, яъни беш вақт намоз бўлса, вақт намози ва улар ўртасида тартибга риоя қилинади. Агар, қазо намозлар олти вақтдан кўпайиб кетса, тартибга риоя қилиш шарт эмас.

Кўп йил ўқилмаган намозларнинг қазосини ўташда тартиб шарт бўлмаса-да, тартибга риоя қилиш (яъни, олдин бомдод, кейин пешин сўнг асрни ўқиш) мустаҳабдир (“Фатовийи Ҳиндийя”).

Кўп намозлари қазо бўлган киши уларнинг ҳаммасини бир жойда, кетма-кет адо этмоқчи

бўлса, битта азон айтиб, ҳар бирини бошлашдан олдин қомат айтиши мумкин, хоҳласа ҳам азон, ҳам қомат айтади (“Ҳидоя”). Аммо қазоларини алоҳида-алоҳида вақтлар ва жойларда адо этса, ҳар бир қазо намоз учун азон ва қомат айтиши шартдир (“Баҳрур роик”).

Сафарда ўқилмай қолган намоз ҳазарда (ватанда) ҳам қаср қилиб ўқилади. Ҳазарда ўқилмаган намознинг қазоси сафарда тўлиқ ўқилади.

Кўп йиллик намозларнинг қазосини ўқимоқчи бўлган одам намознинг ҳар бир ракатида Фотиҳа билан бирга замсура ўқийди (“Захирия”). Бунга сабаб агар Аллоҳ таоло ўша қазо намозларини бандадан кечиб юборган бўлса, ўтаган намозлари нафл бўлади. Нафл намозларнинг ҳар бир ракатига Фотиҳа ва замсура ўқиши шарт.

САЖДАИ САҲВ

Намознинг фарз ё вожиб амалларидан бири вақтидан кечиктирилса ёки вожиб амали унтутилиб, адо этилмаса, масалан, киши тўрт ракатли намозларда биринчи икки ракатдан сўнг қаъдада ўтирилса ё унда ташаҳхуддан кейин салавотни ўқиб қўйса, қаъдаи охирада (охирги ўтиришда) «Ташаҳхуд» ўқиб, намозни ёлғиз ўқиётган бўлса икки томонга, жамоатда бўлса ўнг томонга салом беради ва

«Аллоҳу акбар», деб икки марта сажда қилади. Бу икки сажда «саждаи саҳв» дейилади ва яна чўкка ўтириб ташаҳхуд, салавот, дуо ўқиб, ўнг ва чап томонга салом бериб намозни тугаллади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) дуо ибодат эканини айтганлар. Шунинг учун намоз тугагач, дуо қилиш лозим: «Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин».

ҚИРҚ ФАРЗ

Ислом динида беешта фарз бор:

1. Имон
2. Намоз
3. Рўза
4. Закот
5. Ҳаж.

Имонда еттига фарз бор:

- 1) Аллоҳга;
- 2) Аллоҳнинг фаришталарига;
- 3) Аллоҳнинг китобларига;
- 4) Аллоҳнинг пайғамбарларига;
- 5) Охират кунига;
- 6) Такдирга, яъни яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканига;
- 7) Ўлимдан кейин қайта тирилмоққа ишониш.

Таҳоратда тўртта фарз бор:

1. Юзни пешонадан, соchlар чиқсан жойдан, ияк остигача ва икки қулоқ орасидаги қисмини ювиш.
2. Қўлларни тирсаклари билан бирга қўшиб ювиш.
3. Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш.
4. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювиш.

Гуслда учта фарз бор:

1. Оғизни ғарғара қилиб чайиш.
2. Бурунни ачиштириб чайиш.
3. Баданинг ҳамма жойини ювиш.

Таяммумда тўртта фарз бор:

1. Ният

2. Пок тупроққа таяммум қилиш

3. Икки қўлни пок тупроққа уриб, юзга суриш

4. Қўлларни яна тупроққа уриб, қўлларга тирсак билан қўшиб сурини.

Намозда ўн иккита фарз бор:

Олтитаси намоз ташқарисида, олтитаси намоз ичида.

Намоз ташқарисидагилар «шарт», ичидагилар «рукн» дейилади.

Намознинг олти шарти:

1. Таҳорат бузилган бўлса, таҳорат қилиш, жунуб бўлган бўлса, ғусл қилиши.

2. Бадан, кийим ва намоз ўқиладиган жой нажосатдан тоза бўлиши.

3. Аврат ёпиқ бўлиши.

4. Қиблага қараб туриш.

5. Ўз вактида ўқиш.

6. Ўқийдиган намозига ният қилиш.

Намознинг олти рукни:

1. Ифтитоҳ такбири

2. Қиём

3. Қироат

4. Руку

5. Сажда

6. Қаъда (сўнгги ўтириш).

Колган фарзлар

* Илм олиш.

- * Амри маъруф ва наҳий мункар.
- * Ҳайз ва нифос илмини билиш.
- * Ризқни ҳалол йўл билан топиш.
- * Шариатда ҳалол дейилган нарсаларни ейиш ва ҳаром дейилган нарсалардан ўзини тийиш.

Муҳим вазифалар

1. Аллоҳ таолони зикр этиш
2. Ҳалолдан еб-ичиш
3. Таҳорат олиш, ғусл қилиш
4. Беш вақт намоз ўқишиш
5. Ризқни Аллоҳдан деб билиш
6. Тоза кийим кийишиш
7. Аллоҳга таваккул қилиш
8. Қаноаткор бўлиш
9. Аллоҳга шукр қилиш
10. Аллоҳнинг қазо ва қадарига рози бўлиш
11. Балоларга, мусибатларга сабр этиш
12. Гуноҳларга тавба қилиш
13. Ихлос билан ибодат этиш
14. Шайтонни душман билиш
15. Ҳар бир ишда Қуръони каримни ҳужжат, дастур деб билиш
16. Ўлим муқаррарлигига ишониб, унга тайёр бўлиш
17. Яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш
18. Аллоҳ севганини севишиш, севмаганидан қочишиш. Ҳар бир ишни Аллоҳ учун қилиш

19. Ота-онага яхши муносабатда бўлиш ва уларга итоат этиш
20. Қариндошларни зиёрат қилиш
21. Омонатга хиёнат этмаслик
22. Аллоҳнинг азобидан қўрқиш
23. Аллоҳга, Пайғамбарга итоат қилиш
24. Гуноҳлардан қочиш, ибодат билан машғул бўлиш
25. Ўйлаб, тадбир билан иш кўриш
26. Коинотга ибрат назари билан боқишиш
27. Тилни ёмон сўзлардан саклаш
28. Қалбни поклаш, беҳуда сўзларни гапирмаслик, фойдасиз ишларни қилмаслик
29. Ҳеч кимга ёмонлик қилмаслик
30. Ҳеч кимни масхара этмаслик, миннат қилмаслик
31. Ҳаромга қарамаслик
32. Сўзига содик бўлиш, тўғрилиқдан айрилмаслик
33. Сеҳр-жоду қилмаслик
34. Ёмон сўзларни эшитмаслик
35. Илм таҳсил этиш
36. Тўғри ўлчаш ва тўғри тортиш
37. Фақирга садақа бериш, муҳтожга ёрдам бериш
38. Аллоҳнинг раҳматидан умид узмаслик.
39. Нафсга (ёмон орзуларга) тобе бўлмаслик.
40. Аллоҳ учун ейиш, едириш
41. Кифоя қиласиган даражада ризқ талаб этиш

42. Молининг закотини бериш
43. Ҳайз ва нифос ҳолатида хотинига яқинлашмаслик
44. Қалбини маъсият ва ёмонликлардан то-залаш
45. Кибр қилмаслик
46. Етимнинг молини сақлаш
47. Беш вақт намозни вақтида ўқиш
48. Зулм ва ҳақсизлик билан халқнинг молини емаслик
49. Аллоҳга ширк келтирмаслик
50. Ароқ ичмаслик, қимор ўйнамаслик, пора олмаслик, пора бермаслик
51. Зинодан қочиш
52. Бекорчи ишлар учун қасам ичмаслик.

МАСЖИД ОДОБЛАРИ

Масжидга бормоқчи бўлган киши, аввало мукаммал таҳорат олиб, покиза либосларни кийиб, иложи бўлса, ёқимли хушбўйликлардан суриб бориши талаб қилинади. У ерга борганида нохуш ҳиди билан мусулмонларга озор беришдан сақланиши лозим. Мисол учун, хом пиёз, саримсоқ пиёз каби нарсаларни истеъмол қилиб, масжидга бориш макруҳ-дир. Чунки одамларга озор берадиган нохуш ҳидлар фаришталарга ҳам озор бериши ҳақида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) огоҳ этганлар. Ювилмаган, ҳидланиб

қолган кийимларда бориш масжид одобига хилоф ҳамда мусулмонларга нисбатан ҳурматсизликдир. Аллоҳ таоло: «**Эй одам авлоди! Ҳар бир масжид** (намоз) **олдидан зийнатларингиз** (пок кийимларингиз)ни (кийиб) **олингиз!...**» (*Аъроф*, 31), деб огоҳлантириди. Демак, масжидга покланиб, озода либосларни кийиб бориш Раббимизнинг талабидир.

Масжид томон тасбех, зикрларни айтиб борса, катта ажрга эга бўлади. Масжидга кираётганда: “Парвардигорим, гуноҳларимни кечир ва менга раҳмат эшикларингни очгин”, деб дуо қилиб, ўнг оёқда кириш ва чап оёқда чиқиш суннатдир (*Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти*).

Масжидга кирганда нафл намоз макруҳ бўлмаган вақт бўлса, икки ракат таҳийятул масжид намозини ўқиши суннатдир. Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлардан бирор киши масжидга кирса, ўтирмасдан олдин икки ракат намоз ўқисин”, дедилар (*Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти*).

Масжидларда дунёвий сўзларни сўзлаш, жанжаллашиш, баҳслашиш, баланд овозда гаплашиб, беҳуда сўзлар билан одамларга озор бериш, фитна-фасод, иғво қилиш қатъиян ман этилган. Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Замон охирлашганда умматларимдан бир қанчалари масжидларга йиғилиб, дунё сўзлари билан машғул бў-

лишади. Зинҳор улар билан ўтирунг. Чунки уларнинг Аллоҳга ҳожатлари йўқдир”, деб огоҳлантирганлар (*Имом Байҳақий ривояти*).

Шунингдек, қуидаги одобларга риоя қилиш лозим: Масжида олди-сотди қилмаслик; йўқолган нарсани эълон қилмаслик; одамларнинг устидан хатлаб ўтмаслик; масжидда жой талашмаслик; сафда бирон кишини қаттиқ сиқиб қўймаслик; намоз ўқиётган кишининг олдидан ўтмаслик; масжидга туфламаслик; бармоқларни қисирлатмаслик.

ДУО ҚАБУЛ БЎЛАДИГАН ВАҚТ ВА ҲОЛАТЛАР

Дуо қилувчи йил кунлари ичидан Арафа кунини, ойлар ичидан Рамазон ойини, қадр кечасини, ҳафта ичидан Жума кунини, тун соатларидан сахар вақтини ғанимат билиши лозим. Аллоҳ таоло: “**Сахарларда улар (Аллоҳдан) магфират сўрар эдилар**”, деб марҳамат қилган (*Зориёт*, 18). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “**Аллоҳ таоло ҳар кеча, кечанинг охирги учдан бири қолганида “Ким менга дуо қиласи, Мен унга ижсобат қиласи, ким Мендан сўрайди, Мен унга (сўраган нарсасини) берай, ким Мендан кечирим сўрайди, Мен уни кечирай”, дейди**” (*Муттафақун алайҳ*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) бундай де-

гани ривоят қилинади: “*Сафлар Аллоҳ йўлида жисплашганида, ёмғир ёққандо, фарз намозлари адо этиладиган вақтларда осмон эшиклари очилади. Бу пайтларда дуо қилишини ганимат билинг*”. Мужоҳид (раҳматуллоҳи алайҳи) айтади: “Намоз энг яхши вақтга белгиланган. Шунинг учун намозлардан сўнг дуо қилишини қўйманг”.

Пайғамбар (алайҳиссалом): “*Аzon ва иқомат орасидаги дуо рад қилинмайди*” (Абу Довуд, Термизий ривояти); “*Рӯзадорнинг дуоси қайтарилмайди*” (Термизий, Ибн Можа ривояти), деганлар.

Ҳақиқатда, вақтлар ҳолатлар сабабли шарофатга эга бўлади. Зотан, сахар вақтида қалб соғ, ихлосли ва чалғитадиган нарслардан холи бўлади. Арафа, жума кунлари эса ҳимматлар бирлашадиган, қалблар Аллоҳ азза ва жалла раҳматига бир бўлиб юзланган вақтлардир. Сажда ҳам дуо ижобатига яқин ҳолатлардан. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини ривоят қиласди: “*Банда Раббисига энг яқин бўладиган ҳолати сажда қилган вақтидир. Бас, шу вақтда дуони кўпайтиринг*” (Имом Муслим ривояти). Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “*Мен руку ёки сажда қилган вақтимда Қуръон ўқишидан қайта-*

рилдим. Руқуда Раббни улуглангиз, сажсада эса дуони қўпайтиринг, у вақт дуоларингиз ижсобат бўлишига яқин вақтдир” (Имом Муслим ривояти).

НАФЛ НАМОЗЛАР

Киши ўз ихтиёри билан фарзга қўшимча тарзда ўқийдиган намоз – нафл намоз ҳисобланади. Бу намозни Аллоҳ таоло мўминлар зиммасига фарз каби мажбурий қилмаган, балки ихтиёрий тарзда адо этилади.

Нафл намозлари икки хил бўлади:

1. Беш вақт фарз намозларига тобе бўлган нафллар. Булар фарзлардан олдин ёки кейин ўқиладиган намозлар бўлиб, улар «сунани равотиб» дейилади.

2. Беш вақт намозлардан ташқари мустақил ўқиладиган намозлар. Булар жумласига зухо, таҳажҷуд, ҳожат сўраш кабилар киради.

Нафл намозларни ўқиши тартиби

Кундузги нафл намозларини тўрт ракатдан, кечқурунги нафлларни эса икки ракатдан ўқиши суннат амаллардан. Қиёмда туришга қодир бўла туриб ўтирган ҳолда нафл намозлари ўқиши жоиз, лекин савобнинг ярмига эришади. Агар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай ҳам намоз ўқиганлар деб ўқиса, ҳам намознинг, ҳам суннатга амал қил-

ганинг савобига эришади. Аммо тик туриб ўқишга қодир бўлмаган кишининг ажри тик туриб ўқиган кишининг ажри билан баробар бўлади. Ўтириб ўқийдиган киши, агар узри бўлмаса, бошқа намозлардаги ташаҳхуд ўқиётган кишидек чап оёғи устига ўтириб, ўнг оёғини тик қиласди. Нафл ўқишга киришган кишининг намози, агар икки ракатни тўлиқ тугатмай бузилса, қазосини ўқиши вожиб.

Таҳиятул масжид намози

Намозхон масжидга кирганида агар фарз намозлари адo этилмаётган бўлса, масжид билан саломлашиш ниятида ўқийдиган намози «таҳийятул масжид» дейилади. Бу намозни икки ёки тўрт ракат ўқиса бўлади. Афзали тўрт ракат ўқишидир. Агар масжидга кирган киши жамоатнинг равотиб суннатларни ёки фарзни ўқиётганини кўрса, таҳийятул масжид намозини шу суннат ёки фарзларга қўшиб ният қиласди. Шу билан у суннат ва ёки фарзга қўшиб таҳийятул масжидни ўқиганлик савобини олади. Аммо ниятни қилмай, суннат ёки фарзнинг ўзини ўқиса, ундан таҳийятул масжид намозини ўқиганлик савобига эришмайди. Таҳийятул масжидни масжидга кирган киши ўтирмасдан олдин ўқиши суннат.

Абу Қатода (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирортангиз масжидга

кирса, ўтиришдан олдин икки ракат намоз ўқисин”, деганлар» (*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилган*).

Ҳанафий мазҳабида имом хутба қилаётган бўлса, таҳийятул масжид ўқилмайди. Шунингдек, ҳанафий мазҳабида намоз ўқиш макруҳ пайтларда ҳам таҳийятул масжид ўқилмайди. Намозхон масжидга кириши билан фарз намозни ёки бошқа бир намозни ўқисаю, таҳийятул масжидни ўқишни ният қилса, таҳийяти масжид ўрнига кифоя қилади. Борди-ю, масжидга бир кунда бир неча бор кирадиган бўлса, бир марта ўқиса кифоя.

Ишроқ намози

Муоз ибн Анас ал-Жуҳаний (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бомдод намозини жамоат билан ўқиса, сўнг қуёш чиққунча Аллоҳни зикр қилиб ўтиrsa, сўнг икки ракат намоз ўқиса, унга бир ҳаж ва бир умранинг савоби тўлиқ, тўлиқ, тўлиқ берилади”, деганлар» (*Имом Термизий ривоят қилган*).

Ушбу ривоятда васф қилинаётган намоз «Салотуш-шуруқ» (Ишроқ намози) дейилади. «Шуруқ» қуёш чиқишини англатади. Шуруқ чошгоҳ намозининг энг аввалги вақтидаги намоздир.

Зухо (чошгоҳ) намози

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят

қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким чошгоҳ намозини бардавом ўқиса, унинг гуноҳлари денгиз қўпигича бўлса ҳам мағфират қилинади”, дедилар» (*Имом Термизий ривоят қилган*).

Бу намознинг вақти қуёш бир найза бўйи кўтарилиганда кириб (яъни қуёш чиққандан тахминан ярим соат кейин), заволга бир соат қолгунча давом этади. Бу «даҳватул кубро», яъни катта тонг, дейилади. Зухо намози икки ракатдан саккиз ракатгача ўқилади, энг афзали тўрт ракатдан ўқишидир. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўпроқ тўрт ракатдан ўқиганлар. Унинг энг афзал вақти кундузнинг тўртдан бири ўтгандан кейиндир.

Истихора намози

«Истихора» сўзи луғатда «хайр, яъни яхшиликни талаб қилиш» деган маънони англатади. Мусулмон киши икки ишдан қайси бирини қилишини билмай қолганида, хайрлисини танлаш учун икки ракат истихора намози ўқииди. Бу намозни ҳар бир мубоҳ ишдан олдин ўқиш мустаҳабдир.

Ҳожат намози

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо (розияллоҳу анху)-дан ривоят қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимнинг Аллоҳга ва Бани одамдан бирортасига ҳожати бўлса, ях-

шилаб таҳорат қилсин, сўнгра икки ракат намоз ўқисин. Кейин Аллоҳга сано ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтсин. Сўнгра: “Ҳалийму Карим Аллоҳдан ўзга ҳеч илоҳи маъбуд йўқ. Улуғ Аршнинг Раббиси Аллоҳ покдир. Оламларнинг Раббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Мен Сендан: раҳматингни вожиб қилувчи, мағфиратингни тақозо этувчи нарсаларни ва ҳар бир яхшиликдан ғаниматни, ҳар бир ёмонликдан саломатлик сўрайман. Менинг ҳеч бир гуноҳимни қўймай мағфират қилгин, ҳеч бир ғамимни қўймай кушоийиш эт, Ўзинг рози бўлган ҳеч бир ҳожатимни қўймай, албатта, чиқаргин. Йа Арҳамар Роҳимиён”, десин”, деганлар» (*Имом Термизий ва Ибн Можа ривоят қилган*).

Аввобийн намози

Бу намоз шом намозидан кейин ўқилади ва олти ракатдир. Аввал тўрт, кейин икки ракат ёки икки ракатдан қилиб ўқилади.

Таҳажжуд намози

Бу намознинг ози икки, қўпи саккиз ракатдир.

Кечаси бир ухлаб туриб ўқиладиган намоз «таҳажжуд намози» деб аталади. Шунингдек, бу намоз «қиём намози» деб ҳам аталади. Даствори бу намоз вожиб бўлган эди, бир йилчадан кейин вожиблиги насх қилинган.

Таҳажҷуд нафл намозларининг энг афзалидир. Чунки бу намоз ҳамма ухлаб ётган вақтда ўқилгани учун риёдан узок, ихлосга яқин бўлади.

Таҳажҷуд намозини хуфтондан сўнг ухлаб, кечанинг иккинчи ярмида ўқиш афзал. Уйғонишига ишончи бўлмаса, хуфтон намозидан кейин ўқиб олса ҳам жоиз. “Раддул муҳтор” соҳиблари таҳажҷуд намозига: «Ҳар бир хуфтондан кейин ўқилган намоз» деб таъриф берган.

Тасбех намози

Тасбех намози тўрт ракатли нафл намози бўлиб, ҳар ракатда 75 марта “Субҳоналлоҳи валҳамдуллаҳи ва лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу ақбар”, дея тасбех айтилади.

Тасбех намозининг ўқилиш тартиби қуйидагича: Ният қилиниб, “Аллоҳу ақбар”, деб намозни бошлагач, сано ўқилгандан кейин 15 марта “Субҳоналлоҳи...” ўқилади. Аъзу ва басмала айтилиб, Фотиҳадан кейин яна бир сура ўқилгач, 10 марта “Субҳоналлоҳи...” айтилади. Рукуда “Субҳоналлоҳи” 10 марта, “Самиаллоҳу ли ман ҳамидаҳ” дея турилиб, қиёмда 10 марта “Субҳоналлоҳи...” ўқилади. Саждада 10 марта, саждадан такбир билан турилиб, ўтирган ҳолатда 10 марта, иккинчи саждада ҳам 10 марта “Субҳоналлоҳи...” айтилгач, бу тасбех бир ракатда жами 75 марта ўқилган бўлади.

Кейин иккинчи ракатга турилади ва ракат аввалида 15 марта, Фотиҳа ва яна бир сурा ўқилгач, 10 марта “Субҳоналлоҳи...” айтилади. Иккинчи ракат аввалги ракатдагидек тартибда адо этилади. Ўтирилгач, ташаҳхуд ва салавот ўқилиб, учинчи ракатга турилади. Шу тарзда тўрт ракатда ўқилган тасбеҳлар сони 300 тага етади.

Тасбеҳ намозининг фазилати улуғлигига бу ҳадиси шариф далолат қиласи. Жаноби Фахри Коинот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакилари ҳазрати Аббос (розияллоҳу анху) га: “Амаки! Сизга бир яхшилик қиласинми?” дедилар ва тасбеҳ намозининг ўқилишини ўргатдилар. Бу намозни ўқиган кишининг аввалги ва кейинги, эски ва янги, каттаю кичик, ошкораю маҳфий, билиб - билмай қилган гуноҳларининг барчасини, ҳатто Олиж воҳасининг қумлари қадар кўп бўлса ҳам, Аллоҳ таоло кечиришини айтдилар. Сўнг: “Қодир бўлсангиз, бу намозни ҳар куни бир марта ўқинг. Ҳар куни ўқиёлмасангиз, ҳар жума куни бир марта ўқинг. Бунга кучингиз етмаса, ҳар ойда бир марта ўқинг. Бунга ҳам қодир бўлмасангиз, ҳеч бўлмаганде бир йилда бир марта ўқинг. Буни ҳам бажаролмасангиз, умрингизда бир марта бўлса-да бу намозни ўқинг”, дедилар (*Имом Термизий ва Абу Довуд ривояти*).

ҚУРЬОНИ КАРИМДАН БАЪЗИ ДУОЛАР

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласи: «**Сиздан (эй Мухаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Мени (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга имон келтирсинглар, шояд (шунда) тўғри йўлга тушиб кетсалар» (*Бақара сураси, 186-оят*).**

«Эй Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз» (*Аъроф сураси, 23-оят*).

«Раббим! Мен Сендан ўзим (яхши) билмаган нарсани сўрашимдан паноҳ тилайман. Агар мени кечирмасанг ва менга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурман» (*Худ сураси, 47-оят*).

«Эй Раббим, бу бузғунчилар қавми устидан Ўзинг мени ғолиб қил!» (*Анкабут сураси, 30-оят*).

«Эй Раббим! Мени ва зурриётимдан (кўп фарзандларимни) намозни баркамол адо этувчи қилгин! Эй Раббимиз! Дуоимни қабул эт! Эй Раббимиз! Ҳисоб-китоб қилинадиган (қиёмат) куни мени, ота-онамни ва

(барча) мўминларни мағфират қилгин!» (*Иброҳим сураси, 40–41-оятлар*).

«Эй осмонлар ва Ерни ижод этган Зот! Дунёю охиратда Ўзинг эгамдирсан. (Ажалим етганида) мусулмон ҳолимда вафот эттирил ва мени солиҳлар (қатори)га қўшгин!» (*Юсуф сураси, 101-оят*).

«Таваккулни Аллоҳга қилдик. Эй Раббимиз! Биз билан қавмимиз ўртасида ҳаққоний хукм қил! Сен хукм қилувчиларнинг яхшиси дирсан» (*Аъроф сураси, 89-оят*).

«Эй Раббим! (Бу қийин вазифага) бағримни кенг қилгин ва ишимни осон қилгин ҳамда тилимдан тугунни (дудуқликни) ечиб юборгина, (токи) улар (қавмим) гапимни (яхши) англасинлар» (*Toҳо сураси, 25–28-оятлар*).

«Эй Раббим! Ўзинг менга (бу) золимлар қавмидан нажот бергин!» (*Қасас сураси, 21-оят*).

«Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим» (*Анбиё сураси, 87-оят*).

«Эй Раббим! Мени ёлғиз ташлаб қўйма (меросхўр фарзанд ато эт!) Сен (Ўзинг) ворисларнинг яхшироғидирсан» (*Анбиё сураси, 89-оят*).

«Раббим, менга (ҳам) ўз ҳузурингдан пок зурриёт ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуони эшитувчи дирсан» (*Оли Имрон сураси, 38-оят*).

«Эй Раббимиз, бизни ҳидоят йўлига солганингдан кейин дилларимизни (тўғри йўлдан) оғдирма ва бизга ҳузурингдан раҳмат ато эт! Албатта, Сен Ваҳҳоб (барча неъматларни текин ато этувчи)дирсан» (*Оли Имрон сураси, 8-оят*).

«Эй Раббим! Мени (қабрга) содиклик билан (гуноҳларим кечирилган ҳолимда) киритгин ва (тирилтирганингда ҳам) содиклик (ро-зилигинг билан) чиқаргин ҳамда мен учун ўз даргоҳингдан бир мадад берувчи ҳужжат ато қилгин» (*Исро сураси, 80-оят*).

«Эй Раббим! Менга (кофиirlарга) ваъда қилинаётган нарса (азоб)ни кўрсатсанг-чи?! Эй Раббим! (ўшанда) мени у золимлар қавми ичида (турувчи) қилмагин!». «Эй Раббим! Мен Сендан шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман. Яна мен Сендан, эй Раббим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ сўрайман». «Эй Раббим! (Гуноҳларимизни) мағфират эт ва (ҳолимизга) раҳм айла! Сен (ўзинг) раҳм қилувчиларнинг яхшиси дирсан». (*Муъминун сураси, 93,-94-,97-,98-,118-оятлар*).

«Эй Раббим! Менга илмни зиёда эт!» (*Toҳо сураси, 114-оят*).

«Эй Раббимиз, бизлар Сенга имон келтирганмиз. Бас, бизнинг гуноҳларимизни кечир ва бизни дўзах азобидан асра!» (*Оли Имрон сураси, 16-оят*).

ҲАР ХИЛ ДУОЛАР

Ўқилиши: Роббигфир варҳам ваҳдини илат-ториқил-ақвам ва та-жаваз ъамма таълам, иннака антал-азизул акрам.

Аллохумма инни асъалукал-ъафва вал-ъофията фид-дунйа вал-ахиро.

Маъноси: Парвардигорим, мени раҳмат ва мағфират эт. Тўғри йўлга бошла. Ўзинг билган гуноҳларимни кечир. Ўзинг карамлисан. Илоҳо, Сендан икки дунёда афв ва оғият тилайман.

* * *

Ўқилиши: Аллохумма инни асъалукал-худа ват-муқо вал-ъафафа вал гина.

Аллохуммагфирли варҳамни ваҳдини ваъ-афини варзуқни.

Аллохумма йа мусоррифал-қулуб, сорриф қулубана ъала тоъатик.

Аллохумма инни аъузу бика минал ъажзи вал-касали вал-жубни вал-ҳарами вал-бухли ва аъузу бика мин фитнатил-маҳйа вал-мамати ва долаъ ад-дайнин ва голабатир-рижал.

Маъноси: Илоҳо, мен Сендан ҳидоят, тақво, оғият ва бойлик тилайман. Илоҳо, мени мағфират эт ва раҳматингга сазовор қил. Илоҳо, қалбимизни ўз тоатингга мойил қил. Илоҳо, Сен-

дан ожизлик, дангасалик, қўрқоқлик, баҳиллик каби иллатдан паноҳ сўрайман. Яна Сендан ҳаёт ва мамот фитналаридан, ортиқча қарздор бўлишдан ва ғанимларга мағлуб бўлишдан паноҳ тилайман.

* * *

Ўқилиши: Аллоҳумма инни аъузу бика мин ал-ъажзи вал қасали вал жубни вал бухли вал ҳамми ва ъазабил-қобри.

Аллоҳумма ати нафси тақваҳа ва заккиҳа анта хойру ман заккаҳа, анта валиюҳа ва мавлаҳа.

Маъноси: Илоҳо, Сендан ожизлик, дангасалик, қўрқоқлик, баҳиллик, ғам-ташвиш, қабр азоби каби нарсалардан асрashingни сўрайман. Илоҳо, менга тақво насиб эт, нафсимни пок эт. Сен барча инсонларнинг Хожасисан.

* * *

Ўқилиши: Аллоҳумма инни аъузу бика мин шаррис самъи ва мин шаррил басари ва мин шаррил лисани ва мин шаррил қолби ва мин шаррин нийяти.

Маъноси: Илоҳо, мен Сендан қулоқ, кўз, тил, қалб ва ният ёмонликларидан асрashingни сўрайман.

* * *

Ўқилиши: Аллоҳумма инни аъузу бика мин ал бароси вал-жунуни вал-жузами ва сайи-иъил-асқом.

Аллоҳумма инни аъзуу бика минат-тараддий ва аъзуу бика минал-гароқи вал ҳароқи вал-ҳарами ва аъзуу бика ан ятахаббатониши-шайтону ъиндал-мавт ва аъзуу бика ан амута фи сабилика мудбирон ва аъзуу бика ан амута ладигон.

Маъноси: Илоҳо, мен Сендан ёмон касалликлардан ва қаттиқ беморликлардан асрашингни сўрайман. Илоҳо, турли оғатлардан ва балолардан, оғир дамда шайтоннинг васвасасидан ва фожиали ўлимлардан асрашингни сўрайман.

* * *

Ўқилиши: *Аллоҳумма инни асъалука мин хойри ма саъалака минху набийюка Муҳаммадун соллаллоҳу ъалайҳи ва саллам ва наъузы бика мин шарри ма истаъазака минху набийюка Муҳаммадун соллаллоҳу алаихи ва саллам ва антал-мустаъану ва ъалай-кал-балагу ва ла ҳавла ва ла қуввати илла биллаҳ.*

Маъноси: Илоҳо, Пайғамбаринг Муҳаммад (алаихиссалом) сўраган яхши нарсаларни мен ҳам сўрайман, Пайғамбаринг нима нарсалардан асрашингни сўраган бўлса, мен ҳам улардан асрашингни сўрайман. Ўзинг ёрдам берувчисан. Сендан ўзгада куч-қувват йўқ.

* * *

Ўқилиши: *Аллоҳумма солли ва саллим ъала Муҳаммадин ва ъала али Муҳаммад.*

Маъноси: Илоҳо, Пайғамбаринг Мухаммад (алайҳиссалом)га ва у зотнинг оилаларига салавот ва саломлар нозил эт.

* * *

Ўқилиши: Аллоҳумма иннака қулта удъуни астажиб лакум ва иннака ла тухлифул-миъад, ва инни асъалука кама ҳадайтани лилислами ан ла танзаҳаҳу минни, ҳатта татаваффани ва ана муслимун.

Маъноси: Эй бор Худоё, Мендан сўранглар, ижобат қиласман, деб айтдинг, албатта, Сен ваъдангга хилоф қилмагайсан. Эй бор Худоё, ҳидоят неъматини бериб, мени Исломга мушарраф қилдинг, энди уни мендан мусулмон ҳолда ўлгунимча айирма. Илоҳо, Ўзинг бизларни бу динда сабитқадам эт.

* * *

Ўқилиши: Аллоҳумма инни асъалука ийманан даиман ва яқийнан содикон ва ъилман нафиъан ва қолбан хошиъан ва лисанан закирон ва асъ-алукат ъафва вал-ъафията вал-маъафата даъиматан фид-дунйа вал-ахиро.

Маъноси: Илоҳо, Сендан доимий имон, мустаҳкам эътиқод, фойдали илм, қўрқувчи қалб, зикр этувчи тил, афв ва оғият ва дунёю охиратда доимо хотиржамликни сўрайман.

* * *

Ўқилиши: Аллоҳумма йа муқоллибал-кулуби саббит қолби ъала диник.

Аллохумма аъинни ъала зикрика ва шукрика ва хусни ъибадатик.

Маъноси: Илоҳо, дилларни ўзгартириб турувчи Раббим, менинг дилимни Ўз динингда событ эт.

Илоҳо, Сени зикр этишимда, Сенга шукр этишимда ва чиройли ибодат қилишимда ёрдам бер.

* * *

Ўқилиши: Роббана лаа туахизна ин насиена ав ахтоъна.

Роббана ва лаа таҳмил ъалайна исрон кама ҳамал-таҳу ъалал-лазийна мин қоблина.

Роббана ва ла тухаммилна ма ла тоқоталана бих, ваъфу ъанна вагфир лана варҳамна, анта Мавлана, фансурна ъалал-қовмил-кафирийн.

Маъноси: Парвардигоро, агар эсимиздан чиқарсак, хатога йўл қўйсак, бизларни жазолама, бизларнинг зиммамизга олдинги умматларга юклаганингдек оғир юкларни юклами, тоқатимиз етмайдиган нарсаларни бизларга буюрма, бизларни кечир, афв эт, раҳматингга ол, Сен бизларнинг ҳожамизсан, кофиirlар устидан бизларга ёрдам бер.

* * *

Ўқилиши: Аллохумма инни аъузу бика минал-қосвати вал гофлати вал-ъайлати ваз-зиллати вал масканати. Ва аъузу бика

минал куфри вал фақри вал-фусуқи ванишкоқи ван-нифақи, ва сувил-ахлақи, ва зийқил-арзоқи, вас-сумъати, вар-рийаи, ва аъузу бика минас-сомами вал-баками вал-ъама вал-жунуни вал-жузами вал-бароси ва саййиъил-асқом.

Маъноси: Илоҳо, Сендан тошбағирлик, ғафлат, қашшоқлик, хорлик, мискинлик каби иллатлардан асрashingни сўрайман. Яна Сендан куфрдан, факирлиқдан, фисқу фужурдан, низо ва адватдан, ёмон хулқлардан, ризқи тангликдан, риёкорликдан, кўру кар бўлишдан, жиннилик ва ёмон касалликлардан асрashingни сўрайман.

Замзам ичилганда ўқиладиган дуо
Ўқилиши: Аллоҳумма инни асъалука ъилман нафиъан ва қолбан хошиъан ва нуран сатиъан ва ризқон васиъан ва шифаан мин кулли дайн. Аллоҳумма инни ашробуху литағифироли. Аллоҳумма фагифирли. Аллоҳумма инни ашробуху мустағиян бихи. Аллоҳумма фашфини.

Маъноси: Илоҳо, Сендан фойдали илм, тақволи қалб ва ёруғ нур ва кенг ризқ ва барча иллатлардан шифо тилайман. Илоҳо, бу Замзам сувини Сендан мағфират сўраб ва дардларимга шифо талабида ичмоқдаман, Ўзинг шифо бер.

Равзаи муборакда ўқиладиган дуо
*Ассаламу ъалайка йа расулаллоҳи! Ас-
саламу ъалайка йа хийраталлоҳи мин
холқихи! Ассаламу ъалайка йа ҳабиб аллоҳи!
Ассаламу ъалайка йа саййидал-мурсалина
ва хотаман-набиййина! Ассаламу ъалайка
ва ъала алика ва асхабика ва аҳли байтика
ва ъалан-набиййина ва саъирис-солиҳина!*

Маъноси: Эй Аллоҳнинг Расули, сизга салом бўлсин! Эй Аллоҳнинг Ўз яратганлари орасидан танлагани, сизга салом бўлсин! Эй Аллоҳнинг суюкли бандаси, сизга салом бўлсин! Эй пайғамбарларнинг саййиди ва сўнгиси, сизга салом бўлсин! Сизга, оиласизга, уй ахлингизга, бошқа пайғамбарларга ва солиҳларга саломлар бўлсин!

САҲОБАЛАР ЎҚИГАН ДУОЛАР

Ҳазрат Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) дуоси

Ё Аллоҳ! Менга имон, сидқидиллик, соғлиқ, оғият ва соғлом бир ният бер.

Ё Аллоҳ! Умримнинг охирини энг хайрлиси, амалимнинг ниҳоясининг хайрлиси ва Сенинг жамолингни кўрадиган кунимни кунларимнинг энг хайрлиси қил!

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) дуоси

Ё Аллоҳ! Мени ногаҳон ўлимдан ё ғафлатда қолдиришинг ёки ғофиллардан қилишингдан асрashingни сўрайман.

Ё Аллоҳ! Мени яхшилар орасида ўлдир, ёмонлардан қилма, оташ азобидан асра ва яхшилар қаторига қўшгин.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) дуоси

Ё Аллоҳ! Бало ва мусибатлардан, омадсизликдан, душманлар билан тортишишдан, ҳибс этилишдан, кишанланишдан ва калта-кланишдан мени асра.

Ё Аллоҳ! Менинг гуноҳларим Сенга заар қилмайди. Сенинг менга марҳамат қилишинг Сенинг марҳаматингни камайтирмайди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху) дуоси

Ё Аллоҳ! Сендан ўзгармас кучли имон, туганмас неъмат ва хулд жаннатининг энг юқори даражасида Пайғамбаринг билан бирга қилишингни сўрайман.

Эй Раббимиз! Келишолмаганларимизни яраштири, бизни Ислом йўлига ҳидоят айла, бизни зулматдан ёруғликка чиқар. Биздан ошкор ва яширин барча ёмонликларни кетказ. Кўзларимизга, қулоқларимизга, қалбларимизга, ишларимизга, аёлларимизга ва фарзандларимизга барака ато айла, гуноҳларимизни кечир. Шубҳасиз, Сен марҳаматли ва гуноҳларни кечиргувчисан. Бизни неъматингга шукр этувчи, ҳамд айтувчи қил ва неъматингни биздан аяма! («Ал-Канз», «Ал-Мунтаҳаб»дан.)

Абдураҳмон ибн Авф (розияллоҳу анху) дуоси

Абу Ҳайёж Асадий (розияллоҳу анху)дан: «Бир қуни Байтуллоҳни тавоғ қилаётган бир одамнинг тинимсиз: «Ё Аллоҳ! Мени нағсимнинг очкўзлиги (тамагирлиги)дан аспра!» дея дуо қилаётганини қўрдим. Унга яқинлашиб дедим:

— Аллоҳдан шундан бошқа сўрайдиган нарсанг йўқми? Фақат бир дуони қайтаряпсан?

— Агар нафсимнинг очкўзлигидан (тамагирлигидан) сақлансан, на ўғрилик, на зино ва на бирор гуноҳ қиласман, — деди.

Қарасам, у одам Абдураҳмон ибн Авф (розияллоҳу анҳу) экан (*Тафсири Ибн Касирдан*).

Ҳазрат Билол (розияллоҳу анҳу) дуоси

Ё Аллоҳ! Менинг ёмонликларим ва нуқсонларимни кечиргин.

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) дуоси

Билол ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан: Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) дер эди:

Ё Аллоҳ! Хаёл тарқоқлигидан асрashingни сўрайман.

“Хаёл тарқоқлиги нима?”, дея сўрашди.

“Кишининг ҳар бир дарада бир мулки бўлишидир”, дея жавоб берди у.

Ё Аллоҳ! Олимларнинг қалблари менга лаънат ўқишидан паноҳ сўрайман, дея дуо қилган Абу Дардодан сўрашди:

“Олимларнинг қалбларининг лаънат ўқиши қандай бўлади?”

“Менга нисбатан нафрат этишларидир”, деди Абу Дардо.

**Зайд ибн Собит
(розияллоху анху) дуоси**

Ё Аллоҳ! Сендан бола-чақам ва қўл остимда менга қараб қолган қулларимни боқишига етгулик бойлик сўрайман. Ва бирор қариндошимнинг қариндошлиқ ҳақини адо этолмаганим учун мени баддуо қилишидан паноҳ тилайман.

**Саъд ибн Убода
(розияллоху анху) дуоси**

Ё Аллоҳ! Сенга ҳамд айтишни менга насиб эт.

**Ибн Аббос
(розияллоху анху) дуоси**

Ё Аллоҳ! Мени берган ризқингта қаноат этгувчилардан айла, менга берган ризқни барақотли қил ва орқада қолдирган ҳар нарсамни Ўзинг асра.

**Анас
(розияллоху анху) дуоси**

Ё Аллоҳ! Уни (мусулмон биродаримни) кечалари ибодат қилувчи ва кундузлари рўзадор кишилар дуосининг баракотидан маҳрум этма.

Исми Аъзам дуолари

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан: «Ҳазрати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида бир одам намоз ўқир эди. У одам намоздан сўнг дуо қилиб бундай деди: **«Аллоҳумма инний асьалука би анна лакал-ҳамду ла илаха илла Антал Маннану бадиъус-самавати вал-арзи, йа зал-жалали вал-икром, йа Ҳайю йа Қоййўм».**

«Ё Аллоҳ, Сендан сўрайман. Зеро, ҳамд Сенгадир. Сендан Ўзга ҳеч бир илоҳ йўқдир. Сен Маннонсан: мўл-кўл берувчисан, осмонлару ерни бемисл яратган Сенсан. Эй жалол ва икром эгаси! Эй мавжудотга ҳаёт бергувчи, доимо тирик ва маҳлуқотларнинг эҳтиёжини расо этувчи Аллоҳ! Дуоимни қабул айла!»

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг дуосини эшитиб, бундай марҳамат қилдилар: «Аллоҳ таолога исми аъзами билан дуо қилди. Аллоҳ у исмининг ҳаққи-хурмати, истаса, дуони қабул қиласди».

* * *

Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу)-дан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Зуннун (Юнус) (алайҳиссалом) балик қорнида бундай дуо қилган: **“Лаа илаҳа**

**илла анта, субҳанака, инний қунту ми-
наз-золимийн”.**

Маъноси: «Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим» (*Анбиё сураси, 87-оят*).

Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан: «Бир куни Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай дуо қилаётганларини эшитдим:

**«Аллоҳумма инний асъалука бисми-
кат-тоҳирит-тойийи бил-муబарокил-аҳа-
бби илайкал-лазий иза дуъийта биҳи
ажабта ва иза суилта биҳи аътойта
ва изас-турҳимта биҳи роҳимта ва из-
ас-туфрижта биҳи фарроҷста».**

Маъноси: «Ё Аллоҳ, сенга суюкли, пок, гў-
зал ва муборак исминг билан Сендан сўрай-
ман. У исминг-ла дуо қилинса, қабул этасан. Унинг ҳурматидан Сендан бир нарса сўралса,
берасан. Унинг ҳурматидан марҳамат истал-
са, марҳамат этасан. Унинг ҳурматидан Сен-
дан қийинчиликлардан халос бўлиш сўрал-
са, қутқарасан. Фам-андухларни кетказасан» (*Ибн Можа. «Дуо», 3859-ҳадис*).

Асмо бинти Язид (розияллоҳу анҳо)дан:
«Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи
ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: Исми
Аъзам ушбу икки оятдадир: «**Ва илаҳукум**

илаҳун вахид, лаа илаҳа илла ҳувар-роҳманир-роҳийм».

Маъноси: «Сизнинг илоҳингиз ягона илоҳ-дир. Ундан бошқа илоҳ йўқдир. У меҳрибон ва раҳмлидир» (*Бақара сураси, 163-оят. Абу Довуд. «Солат», 1496-ҳадис*).

Иккинчиси, Оли Имрон сурасининг ilk оятларидир: «Алиф, Лам, Мим. Аллоҳу ла илаҳа илла ҳувал-ҳайюл-қоййум».

Маъноси: «Алиф, Лом, Мим. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) ҳамиша Барҳаёт ва абадий Турувчиdir» (*Абу Довуд. «Солат», 1496-ҳадис*).

* * *

Шифо истаб ўқиладиган дуо

Бирор касалликка йўлиққан киши, бу касалликдан халос бўлиши учун дарров мутахассис шифокорларга мурожаат қилиши, унинг тавсияларига амал қилиб, айни пайтда дуо ҳам қилиши лозим. Бу дуоларни беморнинг ўзи ўқиши ёки бирор унга ўқиши мумкин. Таҳоратли ҳолда, аввало, Фотиха сураси, сўнгра Куръони каримдан шифо оятлари ўқилади.

Бисмиллахир роҳманир роҳийм. «Ва яшфи судуро қовмин мұъминийна ва юзҳиб ғойзо құлубиҳим». *Маъноси:* «...ҳамда мұйминлар қавми сийналарига шифо беради ва дилларидаги аламни кетказади» (*Тавба сураси, 14–15-оятлар*).

«Йа айюҳан-насу қод жааткүм мавъи-зотун мин Роббикүм ва шифаун лима фис-судури ва ҳудан ва роҳматан лил-муъминийн».

Маъноси: «Эй одамлар! Сизларга Раббингиздан ваъз (насиҳат), диллардаги нарса (ширк ва бошқа иллатлар)га шифо ва мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди» (*Юнус сураси, 57-оят*).

«Ва нуназзилу минал Қуръани ма ҳува шифаъун ва роҳматун лил-муъминийн».

Маъноси: «(Биз) Қуръондан мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган (оят)ларни нозил қилурмиз» (*Ал-Исро сураси, 82-оят*).

«Қул ҳува лил-лазийна аману ҳудан ва шифаун».

Маъноси: «Айтинг: «(Ушбу Қуръон) имон келтирган зотлар учун ҳидоят ва (дилдаги маънавий иллат учун) шифодир» (*Фуссилат сураси, 44-оят*).

Бу ояtlар ўқилгач, бундай дуо этилади: **«Аллоҳумма Роббан-наси азҳибил-баъса, шифи Анташ-шафий ла шифаъа илла шифаъука, шифаъан ла югодиру сақоман».** «Ё Аллоҳ, эй инсонларнинг Рабби, касалликни арит! Касалликни қолдирмайдиган шифо бер. Шифо бергувчи фақат Ўзингсан. Сендан ўзга шифо бергувчи йўқдир» (*Абу Довуд. «Жаноиз», 3107-ҳадис*).

Аллоҳумма ишиғи ъабдака янқаъ лака ъадувван ав ямши лака ила солатин.

«Ё Аллоҳ, шу бандангга шифо бер, у Сенинг бир душманингни нобуд қилсин ёхуд Сенинг ризолигингга эришмоқ учун намоз ўқишга юриб борсин».

«Бисмиллаҳи арқика мин кулли шайъин юъзика мин шарри кулли нафсин ав ъайни ҳасидин. Аллоҳумма яиғийка, бисмиллаҳи арқика».

«Сенга изтироб берувчи ҳамма нарсадан, ҳар ҳасадгўй нафсдан ёхуд кўздан Аллоҳнинг номи илингни сенга шифо сўрайман. Аллоҳ номи илингни сенга шифо сўрайман» (*Имом Термизий. «Жаноиз», 972-ҳадис*).

Никоҳ кечасида ўқиладиган дуо

Икки ракат намоз ўқиб, Аллоҳдан масъуд бўлишларини сўраб дуо қилгач, «Бисмиллаҳ» айтиб **«Роббана ҳаблана мин азважина ва зуррийатина қуррота аъйунин важъална лил-муттақийна имама»**. Маъноси: «Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини баҳш эт ва бизларни тақводорларга пешво қилгин!» (*Фурқон сураси, 74-оят*) оятини ўқиб, завжаси билан бирга бўлишдан олдин **«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳумма жаннибнаш-шайтона ва жаннибиш-шайтона ма розактана»**. Маъноси: «Ё Аллоҳ, шай-

тонни биздан ва бизга ато этганинг фарзанддан узоқлаштирир» (*Имом Бухорий. «Никоҳ», 66*) дуосини ўқииди.

Ҳомиладор аёлнинг дуоси

Ҳомиладор аёл тиббий муолажалардан ўтиш билан бирга, диний вазифаларни адо этиши ва фурсат топиши билан «Оятал курси» ва «Шарҳ» сурасини, сўнг бу дуони ўқиши мақбулдир:

«Аллоҳумма аътина сихҳатан ва ъафиятнан ва авладан солиҳин ва ризқон васиъан ва дуъаъан мақбулан».

Маъноси: «Ё Аллоҳ, бизга соғлиқ ва оғият бер. Хайрли фарзандлар эҳсон эт. Мўл ризқ бер, дуоимни қабул айла».

Солиҳ фарзанднинг ота-онаси ҳақига дуоси

Исломий тарбия кўрган инсон ота-онаси кексайганда, уларни хорламайди, дилларини ранжитмайди. Уларнинг ҳақларига бундай дуо қиласди:

«Роббир-ҳамхума кама роббайаний соғийро».

Маъноси: «Парвардигоро, ота-онамга марҳамат эт, улар мени марҳамат-ла вояга етказганлари каби» (*Таҳрим сураси, 8-оят*).

**Масjidга кираётганда...
Аллоҳумма-афтаҳ ли авваба роҳматик.**

Маъноси: «Ё Аллоҳ, менга раҳмат эшикларингни оч».

Масжиддан чиқаётганда...

Аллоҳумма инни асъалука мин-фазлик.

Маъноси: «Ё Аллоҳ, Сенинг фазлинг ва камарингни сўрайман».

Қабр зиёратида ўқиладиган дуо

*«Ассаламу ъалайкум йа аҳлал-қубур. Яғ-
фируллоҳу лана ва лакум, антум салафуна
ва нахну бил-асари».*

Маъноси: «Ассалому алайкум, эй қабр аҳли. Аллоҳ бизни ва сизларни мағфират этсин. Сизлар биздан олдин келгансиз, биз ҳам сизнинг ортингиздан келамиз».

Хожатхонага киришдан олдин...

*«Аллоҳумма инний аъузу бика мина-
рижисил-хобисил-мухбиси минаш-шай-
тонирроҗийм».*

Маъноси: «Ё Аллоҳ, ифлос ва ёмон нарсалардан ва қувилган шайтоннинг ёмонлигидан асрashingни сўрайман».

Хожатхонадан чиққандা...

*«Алҳамду лилаҳиллаҳий азҳаба анний
ма-юъзини ва амсақа ъалайя ма янфауний,
гуфронақа роббана ва илайкал-масир».*

Маъноси: «Мендан азият берувчи нарсани кетказиб, фойдалисими қолдирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ё Аллоҳ, Сенинг мағфиратингни сўрайман. Эй Раббимиз, қайтишимиз Сенгадир».

Уйдан чиқаётганда...

«Бисмиллаҳи таваккалту ъалаллоҳи, ва ла ҳавла ва ла қуввати илла биллаҳ».

Маъноси: «Аллоҳ номи ила, Аллоҳга таваккал қилган ҳолда... Ҳаракат ва қувват Аллоҳнинг иродасиз бўлмас» (*Абу Довуд. «Адаб», 5094-ҳадис*).

Уйга кираётганда...

Аллоҳумма инний асъалука хойрол-мавлажи ва хойрол-махроҷи бисмиллаҳи валижна ва бисмиллаҳи хороҷна ва ъалаллоҳи Роббина таваккална.

Маъноси: «Ё Аллоҳ, Сендан кираётганим ва чиқаётганим жойларнинг яхшисини сўрайман. Аллоҳнинг номи ила кирдик, Аллоҳнинг номи ила чиқдик. Раббимиз Аллоҳга таваккул этдик».

Дастурхон дуоси

«Алҳамдуиллаҳилазий атъамана ва сақона важсаъалана минал-муслимийн».

Маъноси: «Бизни едириб-ичирган ва мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин».

Фарзанд тилаш дуоси

«Робби ла тазарни фардав ва анта хойрул варисийн».

Маъноси: «Парвардигорим! Мени (вориссиз) ёлғиз қолдирма. (Агар ворис бермасанг ҳам) Сенинг Ўзинг ворисларнинг энг яхшиисисан» (*Анбиё сураси, 89-оят*).

Ғазабланганда ўқиладиган дуо

«Аллоҳуммагfir лий занбий ва азҳиб гойзо қолбий ва ажирний минаш-шайтонир-роjийм».

Маъноси: Ё Аллоҳ, гуноҳларимни кечир, қалбимнинг шиддатини (ғазабини, алангасини) кетказ ва мени шайтоннинг ёмонлигидан асра.

Шунда ҳам ғазаб кетмаса, имкон топилса, таҳорат олиб икки ракат намоз ўқиши, «Алам нашроҳ лака...» сурасини тиловат қилиш ва юқоридаги дуони такрорлаш лозим.

Кўз тегишига қарши ўқиладиган дуо

Кўз тегишига қарши Фотиҳа сураси ва «Оятал курси»дан сўнг ушбу оятлар ўқилади:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ва ин яқадуллазийна кафару лаюзлиқунака би абсориҳим ламма самиъуззикро ва яқулуна иннаҳу ламажнун. Ва ма ҳува илла зикрул-лил-ъаламиин».

Маъноси: «Бас, Парвардигори уни (қайтадан пайғамбарликка) танлаб, солиҳ (пайғамбар)лардан қилди. Албатта, коғир бўлган кимсалар Зикрни (Қуръонни) эшитган вақтларида, Сизни қўзлари билан (тикилиб) йиқитаёзурлар ва «албатта, у мажнун», – дерлар. Ҳолбуки, у (Қуръон барча) оламлар учун эслатмадир» (*Қалам сураси, 51–52-оятлар*).

Садақа берәётгандага... «Роббана тақоббал минна иннака антас-самиъул ъалийм».

Маъноси: «Эй Раббимиз, биздан уни қабул айла, чунки Сен эшитгувчи ва билгувчисан».

Аксирган кишига жавоб дуо

Аксирган киши, ёнида бирор одам бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, «Алҳамдуиллаҳ» дейди. Жаноби Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аксирган кишига ёнидагиларнинг «Ярҳамукаллоҳ» (Аллоҳ сенга марҳамат этсин) дейишини тавсия қилганлар. Акса урган киши эса «Ярҳамукаллоҳу ва иййакум ва яғфиру лана ва лакум» (Аллоҳ бизга ҳам, сизга ҳам раҳмат айласин, бизни ҳам, сизни ҳам афв этсин) ёхуд «Яҳдина ва яҳдийкумуллоҳ» (Аллоҳ бизни ҳам, сизни ҳам ҳидоятга бошлиасин) дейди.

Уловга минаётгандага ўқиладиган дуо

«Оятал курси» ўқилгач, «Субҳаналлазий саххоро лана ҳаза ва ма қунна лаҳу муқринийн.

Ва инна ила роббина ламунқолибун. Бисмиллаҳи мажроҳа ва мурсоҳа. Инна роббий лағофуур-Роҳийм» дейилади.

Давомида қуйидагича дуо айтилса ҳам бўлади: «Ё Аллоҳ, Сенинг номинг билан йўлга чикмоқдаман. Менга соғлиқ ва ҳалол қасб насиб этганинг учун Сенга шукрлар айтаман. Йўл давомида мени ва уловимга минган йўловчиларни бало-қазолардан, турли хавфу хатарлардан Ўзинг асра, ёрдамингни дариг тутма биздан, ё Раббий. Биз қанчалар гуноҳкор бўлмайлик, Сен бизни мағфират эт. Манзилимизга эсон-омон етиб боришни насиб айла. Фарзандларимизни етим қолдирма, Парвардигоро. Қайтишимизда оиласизни ғам-андухсиз кўрмоқни лутф айла. Сен ҳамма нарсага қодир Зотсан, Ё Аллоҳ».

Сафар дуоси

«Аллоҳумма илайка таважжұхту вә бика иътасомту. Аллоҳумма акғини ма аҳаммани вә ма ла аҳтамму лаҳу. Аллоҳумма заввиднит-тақва, вагfirли занби вә важдихни лил-хойри айна ма таважжұхту».

Маъноси: «Ё Аллоҳ, Сен томон интилдим. Сенга юкиндим. Ё Аллоҳ, мени андишалантирган ёхуд андишалантирган хусусларда Сен менга кифоя қил. Тақвони менга озуқа қил, Ё Аллоҳ! Гуноҳимни кечир ва қаерга бормайин, мени доимо яхшиликка бошла, ё

Раббий». (Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алай-хи ва саллам), ҳар гал йўлга чиққанда бу дуони ўқир эдилар.) («Ал-азкор», 195-бет).

«Бисмиллахир роҳманир роҳийм. Субҳа-налзий саххора лана ҳаза ва ма кунна лаху муқринийн. Ва инна ила Роббина ла мунқолибуң».

Маъноси: «Бу уловларни бизнинг хизматимизга берган Аллоҳ буюқдир. У барча айбу нуқсонлардан покдир. Аллоҳ буни измимизга бўйсундирмаса, бизнинг буларга кучимиз етмас эди» ояти ўқилади ва уч марта «Алҳамдулиллаҳ» ва уч марта «Аллоҳу акбар» дегач:

Субҳанака инни золамту нафси фагифри-ли, иннаху ла яғфирӯз-зунӯба илла Анта.

Маъноси: “Аллоҳ айбу нуқсонлардан покдир, мен ўз нафсимга зулм қилдим. Ё Аллоҳ! Мени кечир. Чунки Сендан бошқа кечиргувчи йўқ”, дейди («Аз-азкор», 145-бет).

**Ўлим хабарини эшитганда
ўқиладиган дуо**

«Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун».

“Биз Аллоҳникимиз, яна Унга қайтамиз”.

САЛАВОТЛАР

Салоти мунжия

«Аллоҳумма солли ъала саййидина Мұхаммадин ва ъала али саййидина Мұхаммад, салатан тунжисина биҳа мин-жамиъил аҳвали вал афат. Ва тақзи лана биҳа жамиъал ҳажат ва турмоҳирина биҳа мин-жамиъис-сайиат. Ва тарфавуна биҳа ъалад-дарожат ва тубаллигуна биҳа ақсол-гойоти, мин-жамиъил хойроти фил-ҳайати ва баъдал мамат».

Маъноди: Ё Аллоҳ! Жаноби Пайғамбари-миз Мұхаммад Мустафога беадад салот ва салом бўлсин. Бу салотлар, саломлар ва дуолар билан бизни ҳар турли бало ва мусибатлардан халос эт, барча эҳтиёждаримизни кетказиб, бизни гуноҳлардан покла. Бизни юксак даражага ва мартабаларга қўттар. Ё Аллоҳ! Бу салот ва саломлар туфайли ўлгандан кейин хайр (яхшилик)ларга ноил бўлайлик.

Салоти фатҳия

«Аллоҳумма солли ва саллим ва барик ъала саййидина Мұхаммадинил-фатихи лима уғлиқо вал-хотими лима сабақо, Насирил-ҳаққи билҳаққи, вал ҳадий ила сиротикал-мустақим ва ъала алиҳи ҳаққо қадриҳи ва миқдариҳил-ъазийм».

Маъноди: Ё Аллоҳ! Суюкли Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафога салот ва саломлар бўл-

син. Бизга беркитилган нарсаларни очиб берган Удир. Пайғамбарлар ҳалқасининг охири Удир, Ҳақнинг ҳақиқий ёрдамчиси Удир, инсонларга тўғри йўлни кўрсатган Удир! Унга ва яқинларига сўнгсиз салот ва саломлар бўлсин.

Салоти тафрижия

«Аллоҳумма солли солатан комилатан ва саллим салааман таамман ала Сайидина Муҳаммад танҳаллу биҳил ъуқоду ва танфарижу биҳил куробу ва туқзо биҳил ҳовайжу ва тунаалу биҳир рогоибу ва хуснул ховатими ва юстасқол ғомаму биважҳихил карими ва ала олиҳи ва соҳбиҳи фи қулли ламҳатин ва нафасин би адади қулли маълумин лак».

Маъноси: Ё Аллоҳ, ҳар лаҳзаю ҳар нафасда Сайидимиз Муҳаммадга, у зотнинг оиласарига ва саҳобаларига Ўзингта маълум нарсалар ададича комил салавот ва тугал салом йўлла. У билан чигалликлар ечилсин, балолар арисин, ҳожатлар раво бўлсин, истакларга ва гўзал хотималарга етилсин, у билан ёмғирлар ёғсин.

ИСТИҒФОР ДУОЛАРИ

Сайидул истиғфор

Ривоят қилинишича, истиғфорларнинг энг афзали ушбудир: «*Аллоҳумма анта Робби. Лаилаха илла анта. Холактани ва ана ъабдука ва ана ъала ъаҳдиқа ва ваъдика маста-*

тоъту, аъзу бика мин шарри ма сонаъту ва абуъу лака биниъматика ъаллайя ва аътарифу би зунуби, фагфирли зунуби иннаху ла ягфируз-зунуба илла ант».

Ё Аллоҳ! Сен менинг Раббимсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ. Мени Сен яратдинг. Мен Сенниг қулингман. Мен кучим еттунча Сенга берган аҳд ва ваъдамда событман. Қилган ишларим ёмонлигидан асрashingни сўрайман, берган неъматларингни эътироф қилдим. Гуноҳларимни тан оламан. Мени кечиргин, Ё Аллоҳ! Сендан ўзга кечиргувчи йўқдир (*Ином Термизий. «Даъват», 3393-ҳадис*).

Яна бир истиғфор дуоси

«Астагфируллоҳ, астагфируллоҳ, астагфируллоҳ ал-ъазийм ал-Карийм, алазий ла илаҳа илла ҳу, ал-Ҳайюл-Қоййум ва натубу илайҳ ва насъалухут-тавбата вал-магфириота вал-ҳидаята лана иннаху хуват-таввабур-роҳийм. Тавбата ъабдин золимин ли-нафсиҳи ла ямлику линафсиҳи мавтан вала ҳайатан вала нушуро».

Маъноси: Аллоҳдан мағфират сўрайман! Азим ва Карим, Ундан бошқа ҳеч илоҳ бўлмаган, Ҳайй ва Қайюм Аллоҳдан мағфират сўрайман. Унга қайтамиз. Тавбамизни қабул этиб, мағфират ва ҳидоят насиб қилишини тилаймиз, чунки У тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмли, меҳрибондир. Нафсиға зулм қилган,

ўлдириш ва қайта тирилтиришга ожиз бўлган
банданинг тавбаси каби тавба қиласиз.

Намоздан сўнг ўқиладиган бошқа дуолар

*Лаа илаха иллаллоху вахдаху лаа шарий-
ка лах, лаҳул-мулку ва лаҳул ҳамд ва ҳува
ъала қулли шайъин қодийр. Аллоҳумма лаа
маниаш лима аътойта ва ла мұьтия лима
манаъта ва лаа янфаъу зал-жадди мин-
кал-жадд.*

Маъноси: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ.
Унинг тенги ва шериги йўқ. Мулк Уникидир.
Ҳамд Унгадир. У ҳар нарсага қодирдир. Ё
Аллоҳ! Сенинг берганингга монелик қилувчи
ҳеч нарса йўқ. Бермаганингни берадиган ҳеч
кимса йўқдир. Улуғ бўлган фойда бермайди.
Улуғлик Сендандир (*Имом Муслим. «Маса-
жид», 137*).

* * *

*«Алҳамдуиллаҳи роббил аъламийн.
Вал-ақибату лил-муттақийн, ва ла удва-
на илла ъалаз-золимийн. Вассолату вас-са-
ламу ъала расулина Мухаммадин ва ъала
алиҳи ва асҳабиҳи ажмаийн.*

*Аллоҳумма роббана, йа роббана тақоббал
минна солатана ва қийамана ва руқуъана
ва таҳлилана ва тазарруъана ва таммим*

*тақсирона ва ла тазриб биха вужуҳана йа
Мавлана.*

*Аллоҳумма атина сиҳҳатан ва ъафиятан
ва саъадатан ва рифқон ва авладан солиҳин
ва ъилман нафиъан ва ризқон васиъан ва
ъамалан мақбулан, йа арҳамар-роҳимийн.
Роббанагfirли валивалидаййа валил-муъ-
минийна явма яқумул-ҳисаб».*

Маъноси: Ҳамду сано оламларнинг Рабби Аллоҳгадир (Унга ҳамд бўлсин). Гўзал оқибат тақводорларгадир. Душманлик эса золимларгадир. Жаноби Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафога, ул зотнинг яқинлари ва саҳобалирига салот ва салом бўлсин.

Ё Аллоҳ! Эй Рabbимiz! Намозимизни, қиёмимизни, рукуларимизни, саждаларимизни, ўтиришларимизни, тазарру ва ниёзларимизни қабул айла. Нуқсон-камчиликларимизни мукаммал қил. Эй Мавломиз! Камчиликларимизни юзимизга урма.

Ё Аллоҳ! Бизга соғлиқ ва оғият, баҳт ва ширин ҳаёт ва гўзаллик бер, хайрли фарзандлар насиб эт. Ё Рabbim! Бизга фойдали илм, мўл ризқ ва мақбул амаллар насиб айла. Эй марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси бўлган Аллоҳим.

Эй Рabbim! Мени, ота-онамни ва барча мўминларни кечир, бизни жаҳаннам азобидан асрар.

Мундарижа

Сўзбоши (Усмонхон Алимов).....	3
Ислом ва имон шартлари.....	6
Имонни изҳор қилиш калималари.....	6
Аллоҳ таолонинг сифатлари.....	7
Икки имон калимаси.....	8
Олти диний калима.....	9
Таҳорат.....	12
Таҳорат қилиш тартиби.....	13
Таҳоратнинг фарзлари, суннатлари.....	16
Таҳоратни бузадиган ҳоллар.....	17
Ғусл.....	17
Таяммум.....	18
Аёлларга хос масалалар.....	20
Намоз.....	22
Ҳадислардан намуналар.....	25
Аzon.....	27
Азон дуоси.....	28
Намоз ўқиш тартиби.....	28
Жума намози.....	50
Жаноза намози.....	50
Жаноза дуоси.....	51
Ҳайит намози.....	53
Намозни бузадиган ҳоллар.....	54
Намознинг вожиблари.....	56
Намознинг суннатлари.....	56
Намознинг мустаҳаблари.....	58
Сафарда намоз ўқиш.....	58
Имомга иқтидо қилиш.....	59
Қазо намозлари.....	63
Саждаи сахв.....	65

Кирқ фарз.....	67
Мұхим вазифалар.....	69
Масжид одоблари.....	71
Дуо қабул бўладиган вақт ва ҳолатлар.....	73
Нафл намозлар.....	75
Қуръони каримдан баъзи дуолар.....	82
Ҳар хил дуолар.....	85
Зам-зам ичилганда ўқиладиган дуо.....	90
Равзаи муборакда ўқиладиган дуо.....	91
Саҳобалар ўқиган дуолар.....	92
Исми Аъзам дуолари.....	95
Шифо истаб ўқиладиган дуо.....	98
Никоҳ кечасида ўқиладиган дуо.....	100
Ҳомиладор аёлнинг дуоси.....	101
Солиҳ фарзанднинг ота-онаси ҳақига дуоси.....	101
Масжилгакираётганда.....	101
Масжиддан чиқаётганда.....	102
Қабр зиёратида ўқиладиган дуо	102
Ҳожатхонага киришдан олдин.....	102
Ҳожатхонадан чиқсанда.....	102
Уйдан чиқаётганда.....	103
Уйга кираётганда.....	103
Дастурхон дуоси.....	103
Фарзанд тилаш дуоси.....	103
Ғазабланганда ўқиладиган дуо.....	104
Кўз тегишига қарши ўқиладиган дуо.....	104
Аксирган кишига жавоб дуо.....	105
Уловга минилаётганда ўқиладиган дуо.....	105
Сафар дуоси.....	106
Ўлим хабарини эшитганда ўқиладиган дуо.....	107
Салавотлар.....	108
Истиғфор дуолари.....	109
Намоздан сўнг ўқиладиган бошқа дуолар.....	111

Диний-маърифий нашр

МЕН ҲАМ НАМОЗ ЎҚИЙМАН

Муҳаррирлар:	Абдул Жалил ХЎЖАМ, Жамшид ШОДИЕВ, Толибжон НИЗОМОВ
Бадиий муҳаррир:	Равшан МАЛИКОВ
Саҳифаловчи:	Комилжон МАҲМУДОВ
Мусаҳҳиҳа:	Зебо ОМОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АI 146. 2009.14.08.

Босишга 2019 йил 26 мартда рухсат этилди.

Офсет қофози. Қофоз бичими 84x108^{1/32}

Ҳарф гарнитураси PTSerif. Офсет босма усули.

Хисоб-нашриёт т.: 6,8 Шартли б. т. 7,25

Адади: 5000 нусха. -сон буюртма.

Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккӯча 47а-үй.

Электрон почта: m-nashr@mail.ru.

Тел: (0-371) 227-34-30

“Sano-Standart” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100-үй.